Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

№ 187 (20. 155) • 1988 йил 16 август, • сешанба • Баҳоси 3 тийин.

ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР!

✦ Пахтакор дўстлар! Ғўза кўркига маҳлиё бўлиб, унинг парваришини сусайтириб қўйманг. Шу ойнинг охирига қадар ҳар туп ғўзада яна тўрттадан кўсак ҳосил бўлишига эришинг.

✦ Механизатор ўртоқлар! Йиғим-терим техникасининг ҳаммасини сентябрь ойининг бошидаёқ тайёргарлик чизиғига келтириб қўйилишини таъминланг.

✦ Мутахассислар ва химизаторлар! Ғўза зараркунандаларига қарши курашни ҳамда дефолацияни барвақт тугаллаб, терим техникасига кенг иш фронти очиб бериш — Сизнинг билимингиз, тажрибангиз, салоҳиятингизга боғлиқ.

КПСС Марказий Комитетида

КПСС Марказий Комитети «Ульянов область партия органларининг «Меҳнаткашларнинг сиёсий ва иқтисодий ўқуви системасини қайта қуриш тўғрисида»ги КПСС Марказий Комитети қарорини бажариш борасидаги ишлари ҳақида»ги масалани кўриб чиқди.

Қабул қилинган қарорда таъкидланадики, Ульянов областининг партия комитетлари коммунистларни ғоявий-назарий жиҳатдан чиниқтириш, кадрларни иқтисодий жиҳатдан тайёрлаш билан конкрет шуғулланадиган бўлиб қолдилар. КПСС шаҳар ва район комитетлари, кўпгина бошланғич партия ташкилотлари сиёсий ва иқтисодий ўқишни яхшилаш тадбирларининг комплекс планларини ишлаб чиқиб, амалга оширмоқдалар. Бу ишга партия комитетларининг биринчи секретарлари бошчилик қилмоқдалар. Пропагандистлар аттестациядан ўтказилмоқда. Ўқишни қайта қуриш қандай бораётганлиги область, шаҳар ва район партия комитетларининг пленумларида ва бюроларида кўриб чиқилмоқда.

Ўқишнинг мазмуни актуаллашди, қайта қуриш назарияси ва сиёсати унинг марказига қўйилмоқда. Лениннинг ғоявий меросини ижодий ўзлаштириш анъанаси ривожланмоқда. В. И. Лениннинг Октябрдан кейинги даврда ёзган мақолалари ва хатлари ҳамда уларнинг КПСС новаторларча йўлини амалга оширишдаги аҳамияти ҳамма жойда муҳокама қилинди.

Партия ташкилотлари КПСС Марказий Комитетининг ўқишни демократиялаш тўғрисидаги йўл-йўриқларига амал қилиб, унинг формалари ва курсларини танлаб олиш чоғида тингловчиларнинг эҳтиёжларини тўлароқ ҳисобга олмоқдалар. Машғулотларда мунозара, рўйрострлик ҳамда долзарб муаммоларни манфаатдорлик билан муҳокама қилиш муҳити қарор топтирилмоқда.

Марксча-ленинча таълим ташкилий, иқтисодий, сиёсий тадбирлар билан биргаликда инсон омилини активлаштиришга, областни социал-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришни жадаллаштиришга кўмаклашмоқда.

Айни вақтда КПСС Марказий Комитети Ульянов область партия комитетларининг кўриб чиқилган масала борасидаги ишида ижобий силжишлар билан бирга катта камчиликлар ҳам борлигини кўрсатди. Кўпгина партия комитетлари марксча-ленинча таълимнинг раҳбарлик сиёсий методларини эгаллаш ҳамда оммага ғоявий таъсир кўрсатишнинг таъсирчан воситаси сифатидаги имкониятларига етарли баҳо бермаётирлар, юзаки ўзгаришлар билан чеклаб қўймоқдалар.

Машғулотларда социалистик қурилиш, тарих, сиёсий системани, маънавий турмушни ривожлантириш муаммолари кўпинча бир томонлама, салбий талқин қилинмоқда. Коммунистлар, раҳбар ходимлар ва активларнинг бир қисми марксча диалектикани, янги партия ҳужжатларининг моҳиятини ўзлаштириб олмай, консерватив, догматик тафаккур асири бўлиб қолмоқдалар. Демократиялаш ва ошкоралик шароитида ишлашга ҳали ҳамма ҳам тайёр эмас. Уларда баъзан марксизм-ленинизмни бузиб кўрсатишга, обивателларча кайфиятга қарши курашда билим, принципиаллик етишмаяпти.

Областда оммавий иқтисодий ва ишлаб чиқариш ўқувини қўшиб олиб бориш вазифаси дадил ҳал қилинмаяпти. Хўжалик, совет ва касаба союз органлари бу ишга чинакамига қўшилганлари йўқ. Кадрлар малакасини оширишнинг асосан бошқарув иқтисодий методларига муваффақиятли ўтишнинг сўзсиз шарти сифатидаги аҳамиятини ҳамма раҳбарлар ҳам англаб етганлари йўқ. Министрликлар ва идоралар, касаба союзларининг тармоқ комитетлари ўз фаолиятларини кўпинча буйруқ ва қарорлар чиқариш билан чеклаб қўймоқдалар.

КПСС Марказий Комитети Ульянов область партия комитети, шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари олдига КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнаткашларнинг сиёсий ва иқтисодий ўқуви системасини қайта қуриш тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан зарур чораларни кўриш вазифасини қўйди.

Марксча-ленинча ўқиш амалда сиёсий раҳбарликнинг, оммага партия таъсирини кучайтиришнинг муҳим методларидан бири бўлиб қолиши керак. Назариянинг аҳамиятига етарли баҳо бермасликка, ўқишга менсимай муносабатда бўлишга, унга раҳбарлик қилишга расмиятчилик билан бюрократларча ёндашишга қатъий чек қўйиш лозим. Иш манфаатлари, қайта қуришнинг мураккаблашиб бораётган вазифалари кадрларнинг марксча-ленинча тайёргарлигини, уларни ғоявий-маънавий чиниқтиришни яхшилашни, уларда юксак сиёсий маданиятни, интеллектуал қадрқимматни, одамлар билан тарбиявий иш олиб бориш кўникмаларини шакллантиришни талаб қилмоқда. Коммунистлар ҳамма жойда ва ҳар ишда қайта қуриш учун эътиқодли курашчилар бўлишлари, омма орасида ишлай олишлари, ўткир вазиятларда партия йўлини принципиаллик билан ҳимоя қилиб, экстремистик, миллатчилик ва социализмга қарши кўринишларга, социализмнинг реал ютуқларини йўққа чиқаришга ҳар қандай уринишларга қатъий зарба беришлари лозим.

Ўқишнинг, оммавий пропаганда бошқа воситаларининг амалий-ташкилотчилик вазифаларини кучайтиришнинг муҳимлиги таъкидланди. Демократиялаш ва ошкораликни ривожлантириш асосида бунёдкорлик ишига қаратилган ижтимоий онгни тарбиялаш лозим. Ҳалол, виждонан қилинган меҳнатнинг обрўси ҳамма жойда қарор топтирилсин, ишлаб чиқаришнинг чинакам новаторлари ва илғорларининг маънавий-сиёсий обрўси оширилсин, ҳар бир кишида ҳозирги даврга мос равишда сифатли ва самарали ишлашга табиий эҳтиёж уйғотилсин.

Машғулотларда мунозаралар ҳамда турли нутқаи-назарларни эркин қиёслаш методидан кенг фойдаланилсин, фикрларнинг социалистик турличалиги ривожлантирилсин. Тингловчиларда диалектик тафаккур, мустақиллик, баҳслашиш ҳамда партия сиёсатини далиллар билан тушунтириш маҳорати тарбиялансин.

Партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари 1988/89 ўқув йилига сифатли тайёргарлик кўришлари шарт. Коммунистлар, комсомоллар ва партиясиз активларнинг эътибори махсус машғулотлар ўтказиш ёки янги курслар билан уйғун боғлаб олиб бориш йўли билан КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси ҳужжатларини чуқур ўрганишга қаратилсин. Сиёсий ва ишлаб чиқариш — иқтисодий ўқиш системасини комплектлаш чинакам демократия асосида ўтказилсин. Пропагандистлар состави энг аввало, партия ва совет ходимлари ҳисобига, партия мактабларини, марксизм-ленинизм университетларини, олий ўқув юртлари ижтимоий касблар факультетларини, малака ошириш институтларини битириб чиққан кишилар ҳисобига яхшилансин. Кенг ошкоралик шароитида, совет кишиларининг билимлари, хабардорликлари ошган, социал-сиёсий турмушда жўшқин ўзгаришлар рўй бераётган шароитда ишлай оладиган янги типдаги пропагандист тарбиялансин.

Партия ташкилотларининг эътибори ёшларни тарбиялаш масалаларига қаратилди. ВЛКСМ Марказий Комитетига йигит ва қизларнинг сиёсий ўқувини ташкил этишда комсомол комитетларига конкрет ёрдам бериш, мактабларда, семинарларда, мунозара клубларида ёшлар билан иш олиб бориш мулоқот асосида, насиҳатбозликсиз, сиёсий ишонч, ўртоқлик ва ҳурмат принципларида бўлишига эришиш топширилди.

Партия ва комсомол сиёсий ўқуви системасида, халқ маорифи ва оммавий пропаганданинг барча бўғинларида илмий-атеистик тарбияга эътиборни кучайтириш, ёшларга диний мистикани қабул қилмасликни сингдириш, уларда материалистик дунёқарашни тарбиялаш зарур.

Партия комитетларига зиёлиларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан тайёрлашга табақаластирилган тарзда ёндашиш тавсия этилди. Бунинг учун марксизм-ленинизм университетларидан, философия ва сиёсий семинарлардан, ижодий баҳслардан, раҳбар ходимлар билан информацион учрашувлардан, лекторийлар ва халқ университетларидан тўлароқ фойдаланилсин.

Область, шаҳар ва район партия комитетлари иқтисодий ўқувни қайта қуришга раҳбарликни яхшилашлари, бу ишда халқ депутатлари Советлари, хўжалик органлари ва касаба союзларнинг ўрнини эгалласликлари, КПСС Марказий Комитети қарори талабларини оғишмай бажариш учун уларнинг масъулиятини оширишлари лозим.

Шу кунларда Китоб районидаги Навоий номли совхоз далаларида бўлган кишининг кўзи қувнайди. 400 гектар майдондаги ғўзаларнинг ривожи яхши. Ҳар туп ғўзада 8-9 тадан кўсак санаш мумкин. Пайкаллар бегона ўтлардан тозаланган. Заршунослар бу йил давлатга сифатли «оқ олтин» етишига аҳд қилишган.

Ғўза парвариши айниқса, хўжаликнинг Амин Асадов бошлиқ ўн учинчи бригадасида намунали ташкил этилган. Миришкорлар 40 гектар майдондаги ғўзаларга меҳр билан ишлов бериб, вақтида суғормоқдалар. Коллективнинг нияти — ҳар гектар майдондан 28 центнердан ҳосил олиш.

Суратларда: бригаданинг илғор сувчиси Усмон Ражабов (чапда), бригада бошлиғи Амин Асадов, совхоз партия комитетининг секретари Қудрат Исматов пайкалларни кўздан кечирмоқдалар.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ фотолари.

• Олим муаммо қўяди

ПАХТАЧИЛИК ВА ҚАЙТА ҚУРИШ

Республикамизда қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишнинг буйруқ бериш ва тазйиқ ўтказиш усули кенг илдиз отган. Фақат экономикадагина эмас, балки район доирасидан тортиб, республика раҳбарларигача пахтани буйруқ бермасдан етиштириб бўлмайди, деб ҳисоблашади. Улар пахтакорлар ишининг икир-чикирларига аралашадилар — дефолацияни нима билан қандай ўтказиш, теримни бошлаш ва тугаллаш муддатларини белгилаб беришади, қўплаб штаблар тузишади, хўжаликлар эҳтиёжини ҳисобга олмай ёрдамчилар юборишади, пахта тайёрлаш бўйича кунлик, беш кунлик графиклар тузишади ва ҳоказо. Бир қараганда, буларнинг ҳаммаси пахта тайёрлаш планлари бажарилишини таъминлайдиганлар кўринади. Аслида топшириқлар уддаланмайди, давлат корхоналарининг иш мароми бузилади, техникум ва олий ўқув юртларида ўқиш тўхтайди. Агар пахтакорларга ишонч билдирилмаса, унинг ташаббускорлигига тўғаноқ солинса, мустақиллик берилмаса, шундай бўлаверади.

Раҳбарлик қилишнинг буйруқ бериш ва тазйиқ ўтказиш усули қишлоқ хўжалигидаги ўпирилишлар, оммавий қўшиб ёзиш, порахўрлик ва бошқа жиноятларнинг асосини ташкил этди. Буларнинг ҳаммаси давлатга, колхоз ва совхозларга ҳамда республикамизнинг барча меҳнаткашларига жуда катта иқтисодий ва маънавий зарар келтирди ва келтирмоқда.

Пахтачиликни ҳақиқий кўтариш учун аввало колхоз ва совхозларга раҳбарлик қилишнинг усул ва услубларини тубдан қайта қуришни амалга ошириш керак. XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси: **«Колхоз ва совхозларга буйруқ бериш йўлидаги ҳар қандай уринишлар дарҳол тўхтатилиши керак. Улар ички хўжалик фаолияти масалаларини мустақил ҳал этишга, хўжаликлараро алоқаларнинг ва ишлаб чиқариш хизматининг усулларини белгилаб олишга қодирдирлар»**, деб жуда тўғри таъкидлаб ўтди.

Шундан келиб чиққан ҳолда биз пахта ҳосилини йиғиб-териб олишни ташкил этиш бўйича қуйидаги таклифларни кенг муҳокамага қўйишни лозим топдик.

Колхоз-совхозларнинг раҳбарларига, мутахассисларига дефолацияни қачон ва нима билан ўтказиш, ҳосилни териб олиш, ерларни шудгорлаш муддатларини белгилашда тўла мустақиллик бериш керак. Улардан фақат пировард натижа — пахта хом ашёси (тола) ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш бўйича давлат буюртмалари ҳамда шартнома мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш лозим.

Республика, область, район газеталарида пахта тайёрлаш бўйича маълумотларни беришдан воз кечиш керак. Ўтган йиллар тажрибасининг кўрсатишича, бу маълумотлар пахтани жадал териб олиш ва давлатга топширишни тезлатишга тўғридан-тўғри қаршиқ бўлиб, хом ашё сифати ва салмоғига зарар етказади.

Узоққа боришнинг ҳожати йўқ. Пахта тайёрлашдек ғатта аҳамиятга эга бўлган дон ўрим-йиғими даврида дон тайёрлаш ва давлатга сотиш бўйича кундалик ва беш кунлик маълумотлар бирорта республика матбуотида эълон қилинмайди. Йиғим-терим мавсуми тугаллаганлиги ва дон тайёрлаш планлари қандай бажарилганлигини биз Статистика давлат комитети хабарлари ва матбуотда босилган қишлоқ хўжалик обзорларидан биламиз. Бу тартибни пахтачиликда ҳам жорий этишимиз даркор.

Республика Давлат агросаноат ва Статистика давлат комитетлари ходимлари вақти-вақти билан қишлоқ хўжалик ишларининг бориши ҳақида матбуотда обзорлар билан чиқиб туришлари, терим мавсуми охирида эса планларнинг бажарилиши, эришилган ҳосилдорлик, машина терими, районлар ва областлар бўйича (областларда хўжаликлар бўйича) асосий иқтисодий кўрсаткичлар акс этган маълумотлар эълон қилиниши мумкин.

Беш кунлик ёки ўн кунлик мобайнида давлатга пахта топиришда юқори суръатни таъминлаган хўжалик ва районларни мукофотлаш учун кўчма Қизил байроқ таъсис этишдан ҳам воз кечиш даркор. Буни йиллик якунларга қараб, пахтачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида эришилган асосий кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда анчагина мукофотлар ажратиш йўли билан ҳал этиш мумкин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг V пленумида КПСС Марказий Комитетининг Тожикистон ССР партия, совет ва хўжалик органларининг 1986 йил ҳосилини студентлар, техникум ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларини жалб қилмай, мактаб ўқувчиларини ўқишдан қолдирмай йиғиб-териб олиш ҳақидаги қарори қўллаб-қувватланган ва у ижро учун қабул қилинганди. 1987 йил июль ойида бўлиб ўтган республика партия-хўжалик активи йиғилиши резолюциясида эса пахта йиғим-теримига ўқувчиларни жалб қилмаслик ҳақида ёзиб қўйилганди. Бироқ қарор қоғозда қолиб кетди.

(Давоми иккинчи бетда).

• ТЕХНИКА ТЕРИМГА ТАХТМИ?

ЁЛҒОННИНГ МИСИ...

— Техника теримга тахтми?

— Ҳа, тахт, — деб жавоб беришмоқда бу саволга Жиззах областидаги мутасадди раҳбарларнинг асосий қисми. Аммо қай даражада тахтлигини изоҳлаб бериш сўралганда, ёлғоннинг миси чиқиб қоляпти.

Яқинда бир группа мутахассислар жойларда бўлишганида 36 та хўжаликдаги техниканинг кўп қисми давлат стандарти талабларига мутлақо жавоб бермаслигини аниқлашди. Биргина Арнасой районида 29 нафар мутасаддди шахсга терим техникасининг сифатсиз ремонти учун 1395 сўм жарима солинди. Шу райондаги Жуков номли, Конев номли, Жиззах районидаги Жданов номли, Дўстлик районидаги М. Дадажонов номли, «Комсомол», Мирзачўл районидаги «Ўзбекистон», Пахтакор районидаги А. Икромов номли совхозларда терим техникасини сақлашда жиддий нуқсонлар мавжуд. Зомин районидаги «Хоразм» совхозидаги аҳвол эса, айниқса, ташвишланарли бўлиб чиқди.

Хўжалик механизаторлари ўтган йили бор-йўғи 500 тонна пахтани машиналарда териб олишганди, холос. Бу факт совхоз раҳбарлари ҳамда мутахассисларини ташвишлантириши лозим эди. Ҳолбуки, хўжаликда ишчи кучининг камлиги, айниқса, теримда техникага кўпроқ суянишни тақозо этади-ку. Аммо масъулият талаб даражасида бўлмаяпти. Оқибатда ҳозиргача мавжуд 43 та пахта териш машинасининг 20 таси (совхоз раҳбарларининг фикрича) теримга тайёрланган. Аслида эса шуларнинг ҳам кўпчилигида жиддий нуқсонлар аниқланди. Уларда электр тармоқлари ишламайди. Айримларининг бункерлари ремонтталаб, ҳатто ҳайдовчи ўриндиғи ва соябон ўрнатилмаган терим машиналари учрайди.

— Буларнинг ҳаммаси майда-чуйда камчиликлар, — дейди хўжалик бош инженери Э. Жўраев агрегатлар ҳолатидан қониқмаган кишиларга, зарур пайтда дарров тўғрилаймиз...

Бош инженер майда-чуйда деб таърифлаётган камчилик долзарб паллада жуда қимматга тушиши аниқ. Буни ҳозирги дамларданоқ ҳис этиш лозимлигини Э. Жўраев англаб етмаганга ўхшайди.

Тан бериш керак, хўжалик далаларида яхшигина ҳосил тўпланяпти. Пахтакорлар 3700 тонна «оқ олтин» етиштириш учун самарали меҳнат қилмоқдалар. Экиннинг асосий қисми бегона ўтдан тозаланди. Мутахассисларнинг фикрича, бу йил теримга ўтган йиллардагига қараганда 10-15 кун олдин тушилади. Шундай бўлгач, ўринсиз хотиржамликка чек қўйиш даркор.

Халқимизда «Кейинги пушмон — ўзингга душман» деган ҳикматли нақл бор. Пешона тери эвазига етиштирилган пахтани ёғин-сочинли кунларга қолдирмасдан териб олинишини таъминлаш, чўлқуварлар юзини ёруғ қилиш — хўжалик раҳбарлари ва мутахассисларининг бугунги кундаги тадбиркорлигига боғлиқ.

Б. САТТОРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ҲАМ СУРЪАТ, ҲАМ СИФАТ

Колхозимиз пахтакорлари бу йил 945 гектар ерга яхши ният билан барака уруғи қадашиб, ана шу майдонларнинг ҳар гектаридан 27 центнердан «оқ олтин» териб топшириш мажбуриятини олишган эди. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти кўзланган марранинг ижросини таъминлаш учун аниқ, пухта тадбирлар белгилаб чиқишган. Шунга кўра, ҳамма ерда коммунистлар ва мутахассисларга конкрет участкалар бириктириб қўйилди. Дала ишларининг суръати ва сифати учун уларнинг масъулияти кучайтирилди.

Кўрилган чора-тадбирларимиз зое кетмади. Аввало, барча пайкалларда чигитни тўла ундириб олиб, кўчатлар сонининг бут, гектарларнинг тўла бўлишига эришдик. Ниҳолларни ёшлигидаёқ етарли миқдорда минерал ўғитлар билан озиқлантириш, культивация, суғориш ва бошқа муҳим агротехник тадбирларни ўз вақтида сифатли бажариш диққат марказимизда бўлди. Ғўза парваришида суръат ва сифат бирлигини таъминлаб, ўсимликнинг баравж ривожланишига эришган миришкорларнинг ишлари ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантириб борилди, уларнинг тажрибаси оммалаштирилди. Аксинча, ишда нуқсонга йўл қўйган пахтакорларни танқид қилиш билан бир қаторда уларга амалий ёрдам бериб бордик.

Ҳозир хўжалигимизнинг кўпчилик бригадаларидаги ғўзалар бир текис, яхши ривожланмоқда. Ҳар туп ўсимликда 7-8 тадан бўлиқ кўсак санаш мумкин. Лекин зиммамиздаги мажбуриятни ошириб бажариш учун бу камлик қилади. Ҳар туп ғўзада камида 14-15 тадан кўсак ҳосил қилиб, уларнинг эрта очилишини таъминлашимиз лозим. Шунинг учун парваришни бир дам ҳам сусайтирмай қизғин давом эттиряпмиз.

Тажрибали сувчилардан А. Бойшукуров, Х. Ҳимматбеков, Қ. Эшонқуловлар ғўзаларни қондириб суғоришаётир, Э. Азимов, М. Эрназаров, А. Қуролбоев, О. Жомбоев каби дала гвардиячилари ишлов бераётган пайкаллардаги ўсимлик қатор ораларининг доимо майин ҳолда сақланиши таъминланяпти.

Йиғим-теримга ҳам пухта ҳозирлик кўряпмиз. Техниканы созлаш, пахтаси машинада териладиган пайкалларни бегона ўтдан тозалашга катта эътибор бериляпти.

Бир сўз билан айтганда, бу йил ҳар қачонгидан мўл ҳосил етиштириш ва унинг ўз вақтида йиғиб-териб олинишини таъминлаш учун қизғин кураш кетяпти. Пахтакорлар қуёш уфуриб турган иссиққа қарамай узоқ-узоқ далада тер тўкишаётир. Аммо уларга маданий-маиший, медицина, савдо хизмати кўрсатишга келганда район ташкилотлари фаолиятсизлик кўрсатишмоқда. Дала бошига келиб хизмат кўрсатиш, кўчма дўконлар мунтазам келиб туришини таъминлаш уларнинг ёдидан кўтарилган кўринади. Бизнингча, қийинчиликларга қарамай пайкалларда «оқ олтин» етиштираётган деҳқон ҳурмат эътиборга лойиқ.

А. ҲОЖИБОЕВ,
Бўка районидаги Жамбул номли колхоз партия ташкилоти секретари.

ПАРТИЯ СЎЗИ—ОММАГА!

КПСС Марказий Комитетининг пропаганда группаси бир ҳафта мобайнида республикада иш олиб борди. Группа составида КПСС Марказий Комитети Пропаганда бўлимининг лектори, тарих фанлари доктори Н. А. Васецкий, СССР юстиция министрининг ўринбосари М. П. Вишинский, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академиясининг профессори, иқтисод фанлари доктори А. М. Омаров, СССР Фанлар академияси фалсафа институтининг катта илмий ходими, фалсафа фанлари доктори М. В. Иордан бор.

Пропаганда группасининг аъзолари XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси ва КПСС Марказий Комитетининг 1988 йил июль Пленуми материаллари юзасидан Қорақалпоғистон АССР, Бухоро, Навоий, Самарқанд, Сирдарё ва Хоразм областлари, Тошкент шаҳри партия-хўжалик, идеология активлари, корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликлар меҳнат коллективлари ҳузурида лекциялар ўқидилар.

Группа аъзолари ўқиган лекцияларда КПССнинг тарихий тажрибаси ва ҳозирги замон, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қарорлари асосида ҳуқуқий ислоҳотнинг долзарб муаммолари, мамлакат хўжалик механизмини қайта қуриш, қайта қуришнинг муракаблашиб бораётган вазифалари кадрларнинг марксча-ленинча тайёргарлигини, уларни ғоявий-маънавий чиниқтиришни яхшилашни, уларда юксак сиёсий маданиятни, интеллектуал қадрқимматни, одамлар билан тарбиявий иш олиб бориш кўникмаларини шакллантиришни талаб қилмоқда. Коммунистлар ҳамма жойда ва ҳар ишда қайта қуриш учун эътиқодли курашчилар бўлишлари, омма орасида ишлай олишлари, ўткир вазиятларда партия йўлини принципиаллик билан ҳимоя қилиб, экстремистик, миллатчилик ва социализмга қарши кўринишларга, социализмнинг реал ютуқларини йўққа чиқаришга ҳар қандай уринишларга қатъий зарба беришлари лозим.

Ўқишнинг, оммавий пропаганда бошқа воситаларининг амалий-ташкилотчилик вазифаларини кучайтиришнинг муҳимлиги таъкидланди. Демократиялаш ва ошкораликни ривожлантириш асосида бунёдкорлик ишига қаратилган ижтимоий онгни тарбиялаш лозим. Ҳалол, виждонан қилинган меҳнатнинг обрўси ҳамма жойда қарор топтирилсин, ишлаб чиқаришнинг чинакам новаторлари ва илғорларининг маънавий-сиёсий обрўси оширилсин, ҳар бир кишида ҳозирги даврга мос равишда сифатли ва самарали ишлашга ҳали ҳамма ҳам тайёр эмас. Уларда баъзан марксизм-ленинизмни бузиб кўрсатишга, обивателларча кайфиятга қарши курашда билим, принципиаллик етишмаяпти.

Областда оммавий иқтисодий ва ишлаб чиқариш ўқувини қўшиб олиб бориш вазифаси дадил ҳал қилинмаяпти. Хўжалик, совет ва касаба союз органлари бу ишга чинакамига қўшилганлари йўқ. Кадрлар малакасини оширишнинг асосан бошқарув иқтисодий методларига муваффақиятли ўтишнинг сўзсиз шарти сифатидаги аҳамиятини ҳамма раҳбарлар ҳам англаб етганлари йўқ. Министрликлар ва идоралар, касаба союзларининг тармоқ комитетлари ўз фаолиятларини кўпинча буйруқ ва қарорлар чиқариш билан чеклаб қўймоқдалар.

КПСС Марказий Комитети Ульянов область партия комитети, шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари олдига КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнаткашларнинг сиёсий ва иқтисодий ўқуви системасини қайта қуриш тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан зарур чораларни кўриш вазифасини қўйди.

Марксча-ленинча ўқиш амалда сиёсий раҳбарликнинг, оммага партия таъсирини кучайтиришнинг муҳим методларидан бири бўлиб қолиши керак. Назариянинг аҳамиятига етарли баҳо бермасликка, ўқишга менсимай муносабатда бўлишга, унга раҳбарлик қилишга расмиятчилик билан бюрократларча ёндашишга қатъий чек қўйиш лозим. Иш манфаатлари, қайта қуришнинг мураккаблашиб бораётган вазифалари кадрларнинг марксча-ленинча тайёргарлигини, уларни ғоявий-маънавий чиниқтиришни яхшилашни, уларда юксак сиёсий маданиятни, интеллектуал қадрқимматни, одамлар билан тарбиявий иш олиб бориш кўникмаларини шакллантиришни талаб қилмоқда. Коммунистлар ҳамма жойда ва ҳар ишда қайта қуриш учун эътиқодли курашчилар бўлишлари, омма орасида ишлай олишлари, ўткир вазиятларда партия йўлини принципиаллик билан ҳимоя қилиб, экстремистик, миллатчилик ва социализмга қарши кўринишларга, социализмнинг реал ютуқларини йўққа чиқаришга ҳар қандай уринишларга қатъий зарба беришлари лозим.

Ўқишнинг, оммавий пропаганда бошқа воситаларининг амалий-ташкилотчилик вазифаларини кучайтиришнинг муҳимлиги таъкидланди. Демократиялаш ва ошкораликни ривожлантириш асосида бунёдкорлик ишига қаратилган ижтимоий онгни тарбиялаш лозим. Ҳалол, виждонан қилинган меҳнатнинг обрўси ҳамма жойда қарор топтирилсин, ишлаб чиқаришнинг чинакам новаторлари ва илғорларининг маънавий-сиёсий обрўси оширилсин, ҳар бир кишида ҳозирги даврга мос равишда сифатли ва самарали ишлашга табиий эҳтиёж уйғотилсин.

Машғулотларда мунозаралар ҳамда турли нутқаи-назарларни эркин қиёслаш методидан кенг фойдаланилсин, фикрларнинг социалистик турличалиги ривожлантирилсин. Тингловчиларда диалектик тафаккур, мустақиллик, баҳслашиш ҳамда партия сиёсатини далиллар билан тушунтириш маҳорати тарбиялансин.

Партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари 1988/89 ўқув йилига сифатли тайёргарлик кўришлари шарт. Коммунистлар, комсомоллар ва партиясиз активларнинг эътибори махсус машғулотлар ўтказиш ёки янги курслар билан уйғун боғлаб олиб бориш йўли билан КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси ҳужжатларини чуқур ўрганишга қаратилсин. Сиёсий ва ишлаб чиқариш — иқтисодий ўқиш системасини комплектлаш чинакам демократия асосида ўтказилсин. Пропагандистлар состави энг аввало, партия ва совет ходимлари ҳисобига, партия мактабларини, марксизм-ленинизм университетларини, олий ўқув юртлари ижтимоий касблар факультетларини, малака ошириш институтларини битириб чиққан кишилар ҳисобига яхшилансин. Кенг ошкоралик шароитида, совет кишиларининг билимлари, хабардорликлари ошган, социал-сиёсий турмушда жўшқин ўзгаришлар рўй бераётган шароитда ишлай оладиган янги типдаги пропагандист тарбиялансин.

Партия ташкилотларининг эътибори ёшларни тарбиялаш масалаларига қаратилди. ВЛКСМ Марказий Комитетига йигит ва қизларнинг сиёсий ўқувини ташкил этишда комсомол комитетларига конкрет ёрдам бериш, мактабларда, семинарларда, мунозара клубларида ёшлар билан иш олиб бориш мулоқот асосида, насиҳатбозликсиз, сиёсий ишонч, ўртоқлик ва ҳурмат принципларида бўлишига эришиш топширилди.

Партия ва комсомол сиёсий ўқуви системасида, халқ маорифи ва оммавий пропаганданинг барча бўғинларида илмий-атеистик тарбияга эътиборни кучайтириш, ёшларга диний мистикани қабул қилмасликни сингдириш, уларда материалистик дунёқарашни тарбиялаш зарур.

Партия комитетларига зиёлиларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан тайёрлашга табақаластирилган тарзда ёндашиш тавсия этилди. Бунинг учун марксизм-ленинизм университетларидан, философия ва сиёсий семинарлардан, ижодий баҳслардан, раҳбар ходимлар билан информацион учрашувлардан, лекторийлар ва халқ университетларидан тўлароқ фойдаланилсин.

Область, шаҳар ва район партия комитетлари иқтисодий ўқувни қайта қуришга раҳбарликни яхшилашлари, бу ишда халқ депутатлари Советлари, хўжалик органлари ва касаба союзларнинг ўрнини эгалласликлари, КПСС Марказий Комитети қарори талабларини оғишмай бажариш учун уларнинг масъулиятини оширишлари лозим.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ Э. Н. ЗУЕВАГА «СССР ХАЛҚ ВРАЧИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлари учун Ўрта Осиё темир йўли Тошкент станциясидаги йўл поликлиникаси неврология бўлимининг мудири ўртоқ Эмма Николаевна Зуева**га «СССР халқ врачи»** фахрий унвони берилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси

А. ГРОМИКО.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари

Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль.
1988 йил 15 август.

БРАЗИЛИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИ СЕАРА ШТАТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛИШИГА ДОИР

Сўнгги йилларда Совет — Бразилия муносабатларини ривожлантириш учун қулай шароит вужудга келди. 1987 йилда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев ва президент Ж. Сарней бир-бирларига мактуб юбордилар. Парламентлараро алоқалар, жамоат ташкилотлари йўли билан мулоқотлар ривожланмоқда. Мамлакатларимиз ўртасида катта имкониятга эга бўлган амалий ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Ўзбекистон ССР ҳукуматининг таклифига биноан Бразилия Федератив Республикаси Сеара штатининг делегацияси 1988 йил 17 августдан 23 августгача визит билан Ўзбекистонда бўлади.

Республикамиз меҳнаткашлари штатнинг вице-губернатори Франциско Костелло бошчилигидаги делегацияни самимий қутлайдилар ва Ўзбекистон билан Сеара ўртасида дўстлик алоқаларининг ўрнатилиши Совет — Бразилия муносабатларини мустаҳкамлашга, тинчлик ва тараққиёт ишига хизмат қилади, деб ишонч билдирадилар.

БИЗНИНГ МАЪЛУМОТ: Бразилия Федератив Республикаси Жанубий Америкадаги энг катта давлат бўлиб, территорияси —8,5 миллион квадрат километр, аҳолиси — 140 миллион киши (1987 йил), пойтахти — Бразилиа шаҳри (1 миллион 800 минг киши яшайди). Давлат тили — португал тили бўлиб, миллий байрам — Мустақиллик куни (1822 йил) 7 сентябрда нишонланади.

Бразилия составига 23 штат, федерал округ ва учта территория киради. Штатларнинг ўз конституциялари, қонун чиқарувчи ассамблеялари бор, штатларга губернаторлар бошчилик қилади. Президент — давлат, ҳукумат бошлиғи ва олий бош қўмондондир.

1985 йил апрелдан буён Жозе Сарней Коста — мамлакат президенти. Қонун чиқарувчи олий орган — миллий конгресс сенат ва депутатлар палатасидан иборат.

Саноат ишлаб чиқариш ҳажми жиҳатидан Бразилия капиталистик мамлакатлар орасида 8-ўринда ва умуман иқтисодий тараққиёт даражаси жиҳатидан дунёда 10-ўринда туради. 1987 йилда мамлакатнинг ички ялпи маҳсулоти 317 миллиард долларни ташкил этди.

Сеара штати Бразилиянинг шимоли-шарқида жойлашган. Майдони — 148 минг квадрат километр, аҳолиси — 6,2 миллион киши. Пойтахти — Фортелеза шаҳри (аҳолиси — 1,6 миллион киши).

Саноатнинг тикувчилик, озиқ-овқат, химия ва металлургия тармоқлари, шунингдек фойдали бойликларни (нефть, табиий газ, магнезит ва бошқаларни) қазиб чиқариш ҳамда ёғочнинг қимматбаҳо навларини қайта ишлаш штат экономикасининг асосини ташкил этади. Ғўза ва банан — асосий қишлоқ хўжалик экинлари. Шоли, шакарқамиш, маккажўхори, ловия, кофе, апельсин ҳам етиштирилади. Чорвачилик, жумладан сут чорвачилиги, шунингдек паррандачилик ривожланган.

Қонун чиқарув

ПАХТАЧИЛИК ВА ҚАЙТА ҚУРИШ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Пахта теримига мактаб ўқувчиларинигина эмас, студентлар, техникум ва ҳунар-техника билим юртлари талабалари ҳамда шаҳар аҳолисини жалб қилмаслик керак. Шу билан бирга шаҳарликларни бир кунга теримга олиб чиқишни ҳам тақиқлаш лозим. Чунки иқтисодий нуқтаи назардан олиб қараганда бу хўжаликка ҳам, давлатга ҳам катта зарардир.

Биз теримчиларга пахтанинг килограммига қараб ҳақ тўланиши мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисоблаймиз. Энг асосийси — пудратчи бригада ва звенолар ишига ҳақ тўлаш — уларнинг эришган пировард натижаларига тўла боғлиқ бўлиши лозим. Колхоз правлениеси ва совхоз дирекцияси пудратчи бригадалар, ойлавий звенолар, ижарачи коллективлар билан тузган шартнома мажбуриятларини тўла бажаришлари зарур. Ана шундагина пахтакорларнинг пахта ҳосилдорлиги ва сифатини оширишга бўлган қизиқишини ошириш мумкин.

Жойларга вакиллар юборишни тўла тугатиш, хўжаликларга, район, областларга турли хил комиссиялар юборишни иложи борича камайтириш керак. Шунинг ўзи хўжаликларни ишга юқоридан билиб-билмай аралашувлардан, анчагина ташвишлардан халос қилади, раҳбар ва мутахассисларнинг мустақил ишлашига имкон беради.

Машина теримини ташкил этишга бўлган муносабатни ҳам тўбдан ўзгартириш даркор. Ҳозир республикамизда жами ҳосилнинг атиги 30—40 процентигина механизмлар ёрдамида териб олиняпти. Пахтачиликдаги энг асосий масалада йил сайин ижобий ўзгариш бўлмаётган экан, бунда масала фақатгина «антимеханизаторлик» кайфиятлари ёки хўжалик ва район раҳбарларининг йиғим-теримни механизациялашга етарли баҳо бермаётганида эмас. Унинг туб моҳияти бошқа томонда. Қатор сабаблар борки, уларни йўқотмасдан туриб, ҳосилни машинада териш муаммосини ҳал қилиб бўлмайди.

Аввало пахта ҳосилининг одатдагидан 10—12 кун эрта етилишини таъминлайдиган ўзгача технология лозим. Унинг асосини қуйидагилар ташкил этиши керак:

юқори сифатли чигитга эга бўлиш учун уруғчиликка бўлган муносабатни қайта кўриб чиқиш зарур. Ҳозир уруғчилик хўжаликларига хом ашё тайёрлаш учун план берилади. Уларни эса элита ва юқори классли уруғлик тайёрлашга йўналтириш, мўл, сифатли уруғлик етиштирган хўжаликларни тегишли равишда рағбатлантириш лозим. Кейинчалик уруғликни экишга тайёрлаш билан жиддий шуғулланиш: вегетация даврида пайкалларда ўсимликнинг турлича ривожланишига тўла барҳам бериш учун чигитни ҳажми, миқдори бўйича саралаш керак;

ҳамма ерда (айрим районлардан ташқари) шудгорлашни 10—15 ноябргача, жанубий районларда эса декабрь ойининг бошларига қадар тугаллаш ва экишни фақат шудгорланган ерда амалга ошириш лозим. Бу деҳқончилик қонунига айланмоғи даркор;

Ўзбекистон Фанлар академияси Ўсимликлар экспериментал биологияси илмий-тадқиқот институти томонидан ишлаб чиқилган ва амалда синовдан яхши ўтган деҳқончиликнинг янги системасига ўтиш керак. У минерал ва органик ўғитларни қатламлаб солган ҳолда тупроқни чуқур (50—60 сантиметр ва ундан чуқурроқ) ишлатиш, беда билан қўшиб оралиқ экинлари экиш, эски бедазорларни чуқур (50—60 сантиметр) ағдариб ҳайдаш, сўнгра маккажўхори (жўхори) экиш ва кейинчалик шу ерда ерни оддий усулда шудгорлаб, 4—7 йил ғўза ўстиришга асосланган. Шундай қилиш кучли, юқори унумли қатламни юзага келтиради, тупроқнинг шудгор остидаги қатламини, яъни «иккинчи қўриқ»ни қишлоқ хўжалик оборотига киритади, ерда гумус моддалари ва биологик азот тўпланишини бир ярим баравар оширади. У бегона ўтларга қарши курашда кучли восита бўлиб хизмат қилади, гербицидлардан фойдаланмасликка имкон беради, суғоришда ишлатиладиган обиҳаётни 20 процентгача тежаш имконини беради. Натижада, майдон бирлигидан озуқа олиш 50—60 процент, пахта ҳосилдорлиги 25—30 процент ортади;

ҳосили машинада териш учун ажратилган майдонларда яганалаш юмушлари 5—10 майгача тугалланиши зарур;

бу пайкалларда июль ойи охирларидан 8—10 августга қадар чуқур чеканка ўтказиш, бунинг учун махсус агрегатлардан фойдаланиш;

суғоришни қатор оралатиб ўтказиш, чигит экиш, қатор ораларига ишлов беришни 60х80 сантиметр схема асосида амалга оширишга ўтиш;

ҳамма шўрланган ерларни тубдан мелиорация қилиш;

пахта териш машиналари ва подборщчиклар конструкциясини яхшилаш.

Пахта етиштиришнинг бу янги технологиясига ўтиш ҳосилни териб олишни механизациялаш муаммосини ҳал қилибгина қолмай, пахта етиштиришни анча кўпайтириш, унинг сифатини ошириш, таннархини камайтириш имконини беради.

Шу билан бирга таъкидлаш керакки, бу йил пахта териш машиналаридан кенг фойдаланиш имкони туғилди. Ғўза ривожи 10-12 кун олдинда. Бу дефолиация ва машина теримини олдинроқ бошлаш ҳамда машина терими даражасини 50-60 процентга етказиш имконини беради.

Шуларни ҳисобга олиб, машина терими бўйича юқоридан қаттиқ топшириқ бермаслик, барча хўжаликларга қисқа муддатда ҳамма нарсани (ўсимлик ўсиши, ҳосил тўплаши, ҳосилнинг етилиши, ишчи кучи, машиналар ва бошқалар билан таъминланиш даражаси) ҳар томонлама ҳисоб-китоб қилиш ва машина теримининг аниқ ҳажмини белгилашга имкон бериш керак.

Кўп йиллик тажрибанинг кўрсатишича, ғўзанинг паст қисмида очилган 2-3 та бўлиқ чаноқдаги пахтани машина шпиндели қамраб ололмайди ва терим пайтида ерга тўкиб юборади. Аслида биринчи сорт бўлган ва ҳосилнинг 15-20 процентини ташкил қиладиган бу пахта кўпинча ерда топталади, хасхашак, тупроққа аралашиб, ёмғир остида қолади ва сифати пасаяди. Кейинчалик уни йиғиштириб олишга ғўза тупидан териб олганга қараганда 3-4 баробар ортиқ меҳнат сарф бўлади ва у асосан тўртинчи сортларга сотилади. Бу колхоз ва совхозларнинг экономикасига катта зарар етказади. Демак, биз ўзимиз сифатли пахтанинг ерга тўкилишига йўл қўямиз ва унинг сифатини пасайтирамиз, сўнгра катта қийинчиликлар ҳамда сарф-харажатлар эвазига уни ердан йиғиб оламиз. Ерга тўкилган пахтани териш эса шубҳасиз йиғим-теримнинг оқсашига олиб келади, одамларни оммавий ёрдамга жалб этишга мажбур қилади, машиналар кўпроқ ишлатилишига йўл бермайди.

Фақат паст сифатли тола олинадиган, тўкилган ва сўнгги чаноқлардаги пахтани териб топшириш керакми, керак эмасми? — буни хўжаликларнинг ўзлари ҳал қилишлари даркор. Агар бу пахтани териб олиш хўжалик учун фойдали бўлса териб олишсин, агар зарар келтирса ерга қўшиб ҳайдаб юборишсин. Бу принципни амалга ошириш хўжаликларнинг иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланиши, уларнинг рентабеллиги ошишида катта аҳамиятга эга. Бундан ташқари у келаси йил мўл ҳосилининг гарови бўлган шудгорлаш ва бошқа дала ишларини ўз вақтида сифатли ўтказишга ҳам ёрдам беради.

Сурхондарё область агросаноат комитетининг маълумотларига кўра, 1986 йил областда тўртинчи сорт билан қабул қилинган тўкилган пахта ва сўнгги чаноқлардаги ҳосилни териб олишдан 11 миллион сўм зарар кўрилди. Ўтган йили область пахта тайёрлаш планини бажариши учун 2,5 процент етмай қолди. Агар ерда ётган пахта терилса, планни ошириб бажаришга имкон бўларди. Область ташкилотларининг ҳисоб-китобларига кўра шундай қилинса, колхоз ва совхозлар 5 миллион сўм зарар кўрарди. Шунинг учун теримни тўхтатиш ва ерларни ҳайдаб юборишга қарор қилинди.

Хўжаликларда айниқса, ишчи кучи етарли бўлган колхоз ва совхозларда дефолиация бошлангунча машина теримига ажратилган ҳамма пайкалларда ғўзанинг пастки қисмидаги очилган пахтани қўлда териб олиш ва сўнгра ҳар бир даладаги ўсимлик ҳолатини ҳисобга олган ҳолда дефолиация ўтказиш тўғри бўларди.

Машина теримини кўсакларнинг 80-90 проценти очилганда бошлаш керак. Ҳосилнинг қолган қисми далаларнинг ҳолатидан келиб чиққан ҳолда кўсакларнинг очилишига қараб иккинчи машина теримида ёки кўрак узиш агрегатлари ёрдамида йиғиштириб олинади. Машина теримини бундай ташкил этиш ҳар томонлама фойдали. Қўлда подбор териш ва ҳосилни йўқотишга деярли барҳам берилади, юқори сортлар салмоғи ортади, механизмлардан фойдаланишга кенг йўл очилади.

Машина теримини шундай ўтказиш тажрибаси 60-йилларда «Пахтаорол» совхозида, хўжаликнинг ўша даврдаги директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. Н. Куликов томонидан ўтказилган ва яхши натижаларга эришилган. Бироқ ўша кезларда ҳам тажриба ўтказган ташаббускорларни «антимеханизаторлик»да айблаган, масаланинг қўйилишини пахтачиликни комплекс механизациялаш сиёсатига зид дегувчилар топилди.

Пахта йиғим-терининг иккинчи даври совуқ тушиб, ёғингарчиликлар бошланганда анча қийинчилик билан ўтади. Хўжаликларни ҳосилнинг «сўнгги мисқолларигача», «ҳар қандай об-ҳаво шароитида», «қандай бўлмасин» териб олишга мажбур қилишади. Бу даврда терилган пахта намлик даражаси юқори бўлганлиги учун хирмонларда, йўлларда, устиёпиқ майдончаларда қуритилади, оёқ остида босилади— сифати пасаяди. Натижада хўжаликларда катта сарф-харажатларга йўл қўйилади. Тўртинчи сорт хом ашёни териб олиш ва давлатга сотишдан ҳар бир область йилига ўн миллион сўмлаб зарар кўради. Аслида эса бу ҳосилнинг анчагина қисмидан саноатда фойдаланилмайди.

Шу билан бирга чаноқлардаги пахта ёғингарчиликлардан кейин ғўза тупининг ўзида яхши қурийди. Аммо бунинг учун сабр қилиш, ким бўлишидан қатъи назар, пахтани «қандай бўлмасин», «ҳар қандай об-ҳаво шароитида», «сўнгги граммларигача» териб олишга бўйруқ бериш ва пропаганда қилишни тақиқлаш лозим. Бунда гап яна йиғим-терим ишлари стратегиясини танлашда хўжаликларнинг мустақиллиги ҳақида бормоқда.

Шундай қилиб, пахтачиликда олдинги йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни тугатиш учун пахта етиштириш ва ҳосилни йиғиб-териб олишни ташкил этишни тубдан қайта қуриш зарур. Яъни бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик усулларидан иқтисодий бошқарув усулига ўтиш, колхоз ва совхозларни маълум бир вақтда юқори кўрсаткичга эришишга эмас, тўла хўжалик ҳисобига, ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга, юқори пировард натижаларга йўналтириш керак.

М. МУҲАММАДЖОНОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги.

— Ёшлар уй-жой комплекси уй билан таъминлашни ҳал этишнинг муҳим йўналишларидан бири, — деб ҳисоблайди Олмалиқ кон металлургия комбинати комсомол ташкилотининг секретари Б. Абдураимов. Ўтган йил сентябрь ойида корхона ёшлари иккита уй қурилишини бошлаб юборган эдилар. Яқин кунларда яна бир 48 квартирали уй фойдаланишга топширилади.

Суратда: корхона комсомол ташкилотининг секретари Б. Абдураимов (чапдан иккинчи) ёшлар уй-жой комплекси аъзолари И. Усмонов, Б. Қўчқоров ва К. Қўзибоев билан уй-жой қурилиши майдонида.

А. Наймушин фотоси (ЎзТАГ).

ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

Задарё районидаги «Гулбоғ» совхозида Содиқ Нишонов бошлиқ полизчилик бригадаси аъзолари 86 гектар ердаги қовун-тарвузни меҳр билан парвариш қилиб, мўл ҳосил етиштиришди. Улар пишиб етилган шириншакар қовун ва тарвузларни пешма-пеш Наманган шаҳрига жўнатишмоқда. Айни пайтда кунига 25-30 тоннадан қовун-тарвуз эл дастурхонига юборияпти. Коллектив ҳар гектар майдондан 165 центнер ўрнига 220 центнердан ҳосил олиб давлатга жами 1200 тонна полиз маҳсулоти етказиб беришга аҳд қилган. Маҳкам Пармонов, Абдували Ортиқов, Маҳамат Қўзиев сингари полизкорлар давлатга ҳозиргача 50 тоннадан маҳсулот топширишди.

Б. МАҲМУДОВ.

ДЕМОКРАТИЯ ВА ОШКОРАЛИК КЕНГАЙТИРИЛСИН

АШХОБОД, 13 август. (ТАСС). Туркманистон ССР Олий Советининг бугун бу ерда бўлиб ўтган сессиясида қабул қилинган «Давлат ҳаётидаги муҳим масалаларнинг халқ муҳокамаси тўғрисида» Туркманистон ССР қонуни социалистик демократия ва ўзини-ўзи бошқаришни ривожлантиришда янги қадам бўлиб қолади.

Депутатлар турмушнинг ҳамма соҳаларида ошкоралик — қайта қуриш жараёнларини янада чуқурлаштиришнинг зарур шартларидан бири, қайта қуриш муқаррарлигининг кафолати эканлигини таъкидладилар. Қабул қилинаётган қонун, дейилди сессияда, социалистик демократиянинг ҳуқуқий асосларини, советларнинг республика аҳолиси билан алоқаларини мустаҳкамлаши, давлатни бошқаришда меҳнаткашларнинг реал иштирок этишини таъминлаши лозим. Инсон омили имкониятларини, меҳнаткашларнинг ижодий ташаббускорлигини рўёбга чиқариш ва шу билан бирга масъулият ҳамда уюшқоқликни ошириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Сессияда ташкилий масала кўриб чиқилди.

Ишда хатоларга йўл қўйганлиги учун Б. Ёзқулиев Туркманистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси вазифасидан бўшатилди.

Илгари республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари бўлиб ишлаган депутат Р. А. Бозорова Туркманистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб сайланди.

Сессияда Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари С. А. Ниёзов нутқ сўзлади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

БУХОРО ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ:

— Газетанинг 1988 йил 16 январь сонида босилган **«КУТИЛМАГАН ҚУНҒИРОҚ»** сарлавҳали танқидий мақолада келтирилган фактлар тўла тасдиқланди. Ушбу мақола «Ленин байроғи» газетаси редакцияси бошланғич партия ташкилоти йиғилишида, Бухоро район партия комитети секретарлари иштирокида муҳокама қилиниб, камчиликларни бартараф этиш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланди.

Область партия комитети секретариати йиғилишида эса «КПСС Марказий Комитетида оммавий ахборот воситалари ходимлари билан ўтказилган кенгашнинг демократия ва ошкораликни ривожлантириш тўғрисидаги кўрсатмаларини Бухоро районининг «Ленин байроғи», Свердлов районининг «Коммунизм тонги», Қоракўл районининг «Олға» газеталари редакциялари томонидан бажарилиши ҳамда қайта қуриш масалаларининг ёритилиши ҳақида»ги масала муҳокама этилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Бухоро область партия комитети матбуотга партиявий раҳбарликни кучайтириш, қайта қуриш жараёнида газеталарнинг роли ва активлигини ошириш чора-тадбирларини белгилади.

БОҒОТ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ:

— Газетанинг шу йил 21 май сонида босилган **«Мослашув»** сарлавҳали танқидий мақола район Совети ижроия комитети, район ички ишлар, халқ маорифи ва молия бўлимларида, Деҳқонбозор ва Найман қишлоқ Советларида атрофлича ўрганиб чиқилди ва муҳокама қилинди.

Район партия комитетининг кенгайтирилган бюро мажлисида мақолада кўрсатилган камчиликлар асосан тўғри, деб топилди. Бюрода районда олиб борилаётган атеистик ишлар қониқарли эмаслиги, қайта қуриш талабларига жавоб бермаслиги, район меҳнаткашлари ўртасида оммавий-сиёсий, тарбиявий ва тушунтириш ҳамда атеистик-пропаганда ишлари суст олиб борилаётганлиги қайд қилинди. Шунингдек, Найман, Деҳқонбозор қишлоқ Советлари, «Ленинизм», Киров номли колхозлар партия комитетларининг бу борада олиб бораётган ишлари талаблар даражасида эмаслиги кўрсатиб ўтилди.

Район партия комитети бюроси аҳолини атеистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги ишларга партиявий раҳбарликни сусайтириб юборганликлари учун район партия комитети секретари К. Раҳимов ва район «Ленин йўли» газетаси редактори, райком бюроси аъзоси Р. Раззоқовларни огоҳлантирди, район партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудири Ф. Жабборовга кўрсатиб ўтилди. Диний маросимлар тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилишини назорат қилувчи комиссия фаолиятини бўшаштириб юборганлиги учун район Совети ижроия комитети раиси ўринбосари Г. Рўзибоева огоҳлантирилди.

Меҳнатсиз даромадларга қарши курашда принципиал йўл тутмай, сохта дин пешволарига солиқ тўлаш тўғрисида хабарнома тарқатганлиги учун район молия бўлими мудири, коммунист Й. Саидов огоҳлантирилди.

Мақолада тилга олинган «Ленинизм» ўрта мактаби баъзи педагогларининг диний-мистик қарашларга берилиб, ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасида йўл қўйган камчиликлари район халқ маорифи бўлими мудири, коммунист Р. Қобуловга кўрсатиб ўтди.

Район ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари (район прокурори К. Ражабов, район ички ишлар бўлими бошлиғи А. Сатаев, район халқ суди раиси С. Хўжамуродов)га сохта дин хизматкорларининг ғайриқонуний ҳаракатларига чек қўйиш, уларнинг меҳнатсиз даромад топишга бўлган ҳар қандай ҳаракатларига барҳам бериш, лозим бўлса тартиб бузувчиларни жиноий жавобгарликка тортиш вазифаси юклатилди.

Район партия комитети бюроси халқ депутатлари район ва қишлоқ Советлари ижроия комитетларига диний маросимлар тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилишни назорат қилувчи комиссиялар ишини кучайтириш, қайта қуриш талаблари асосида Советлар ишини жонлантириш, янгича урф-одатлар ва анъаналарни турмушга кенгроқ жорий қилиш борасида депутатлар активлигини ошириш вазифасини топширди.

Район партия комитети атеистик тарбия ишларини давр талаблари асосида ташкил этиш ва унинг таъсирчанлигини ошириш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқди.

Район партия комитети пропаганда ва агитация бўлимига атеист лекторларга амалий ёрдам кўрсатиш ва улар составини тажрибали, билимдон лекторлар ҳисобига янгилаш, идеология ходимлари сўзи таъсирчанлигини ошириш вазифаси юклатилди.

МАТЕРИАЛЛАР ВА ҲУЖЖАТЛАР ТЎПЛАМИ

«КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг Польша Халқ Республикасига визити. 1988 йил 11-14 июль» ҳужжатлар ва материаллар тўплами босмадан чиқди. Тўпламга М. С. Горбачев ва ПБИП Марказий Комитетининг Биринчи секретари В. Ярузельскийнинг польяк ва совет ёшлари дўстлиги митингида, А. Варский номли кемасозлик корхонасида бўлган Совет — Польша дўстлиги митингида сўзлаган нутқлари, М. С. Горбачевнинг Польша телевидениеси орқали сўзлаган нутқи, бошқа ҳужжатлар ва материаллар киритилган.

Тўпламни Сиёсий адабиёт нашриёти чиқарган ва «Красний пролетарий» босмахонасида чоп этилган. (ТАСС).

ҚУРУВЧИЛАР СУЛОЛАСИ

● Абдураҳмон Насриддинов — Бекобод районидаги 20-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колоннанинг энг яхши бинокорларидан бири. У бошчилик қилаётган бригада қарийб 12 йилдан буён муттасил мусобақа пешқадами бўлиб келяпти. Илғор коллектив «Далварзин» совхозида шинам уй-жойлар, мактаб ва болалар боғчалари қурмоқда. Ҳар бир объект муддатидан анча олдин фойдаланишга топширияпти.

Бригадада Абдураҳмоннинг укалари Абдуфатто, Абдулла, Иноможонлар ҳам ғайрат кўрсатишяпти.

— Ҳарбий хизматдан келиб, шу ерда иш бошлаганимда отам Абдуманноб ҳурматэҳтиром билан пенсияга чиқди,— дейди А. Насриддинов. —У йигирма йилдан зиёд ҳалол ишлади. Унинг қурувчиликдаги йўлини давом эттириб, ҳамиша вақтдан ўзиб ишлашга эришяпмиз.

О. ЖЎРАЕВ.

ҚАНОТЛИ ТАШАББУС

СВЕРДЛОВ РАЙОН ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СОВЕТЛАРИНИНГ ЯККА ТАРТИБДА УЙ-ЖОЙ ҚУРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАЖРИБАСИДАН

Яқинда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг навбатдаги мажлисида Бухоро область Свердлов район халқ депутатлари Советларининг якка тартибда уй-жой қуришни ривожлантириш борасидаги фаолияти маъқулланди ҳамда оммалаштириш учун тавсия этилди. «Совет Ўзбекистони» мухбири Н. НАИМОВ шу муносабат билан район Совети ижроия комитетининг раиси Ҳ. Т. РАҲМОНОВ билан суҳбатлашди.

— Ҳамро Темирович, халқ депутатлари район Совети, унинг ижроия комитети якка тартибда уй-жой қуришни кенг миқёсда ривожлантиришга қачон киришган эди?

— Бундан 2,5 йил муқаддам «Турар жой» комплекс программаси тузишга киришар эканмиз, қишлоқда уй-жой қурилиши фақат ҳал қилинмаган муаммолар мажмуасидан иборат бўлиб кўринди. Шунинг учун ҳам қишлоқ аҳолиси якка тартибда уй қуришга киришишга журъат қилолмас эди.

Сирасини айтганда, олдинги йиллар хўжалик раҳбарлари ҳам, қишлоқ Советлари ҳам колхозчи оиласига янги уй қуриш учун ер майдони ажратишга турли йўллар билан қаршилик кўрсатишга уринишарди. Раҳбарлар буни жамоат ерини талон-торож қилишдан асраш билан изоҳлашга ҳаракат қилишарди. Аслида эса бу уй-жой қурилишидаги муаммоларни ҳал-пўшлаш, уларни ҳал қилишдан бўйин товлашдан бошқа нарса эмасди.

Қурилиш материалларининг сурункасига тақчиллиги, бинокорлик қувватларининг заифлиги, якка тартибда замонавий уйлар қуриш қийинчиликларини ҳал қилиш билан илгари ҳеч кимнинг жиддий шуғулланмаганлиги бу масалада бош берк кўчага етаклаб бормоқда эди.

«Турар жой» комплекс программасини ишлаб чиқишни биз аслида қишлоқ қурилишида барча ижобий ўзгаришларнинг ташаббускори бўлиши лозим бўлган архитектордан бошладик. Райижрокомнинг тавсиясига биноан РАПО советида барча колхозларда архитектор штатини таъсис этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Қишлоқ Советлари ижроия комитетлари ҳузурида уй-жой комиссиялари иш бошлаб, колхоз архитекторлари бу комиссия составига киритилди.

Мазкур комиссиялар ўз территорияларидаги қишлоқлардаги аҳволни чуқур таҳлил этишди. Район Советининг депутатлари, ижроком аъзолари ва унинг бўлим ва бошқарма раҳбарлари ҳар бир хўжалик меҳнат коллективлари билан учрашиб, уй-жой қурилиши масаласи бўйича уларнинг фикр-мулоҳазаларини тинглашди. Шундай тартибда районда ўн беш мингдан зиёд киши билан учрашилиб, улар томонидан баён қилинган икки мингта яқин конкрет таклиф ва мулоҳазалар ҳисоба олинди. Кейинчалик бу таклифларнинг асосий қисми «Турар жой» комплекс программасига киритилди.

Белгиланган программага биноан бизда 2000 йилга келиб турар жой фонди 1.700 мингга квадрат метрни ташкил қилмоғи лозим. Бу эса ўн иккинчи беш йилликдаёқ 192 минг квадрат метр уй-жой қуришни тақозо этади. Вазифани якка тартибда уй-жой қуришни кенг авж олдириш билангина ҳал қилиш мумкин. Шуни назарда тутиб қишлоқлар сонини 27 тага камайтириб, уларни 104 замонавий посёлкага бирлаштириш тўғрисидаги қарорга келинди. Қисқа муддатда тузишга эришилган замонавий бош план асосида якка тартибда уй-жой қуриш учун меҳнаткашларга ер участкалари ажратишга киришилди.

Шу мақсадда райижроком ҳузурида хўжалик ҳисобидаги якка тартибда уй-жой қуриш масалалари билан шуғулланадиган бўлим ташкил қилинди. Бўлим шу масалага алоқадор барча ташвишларни ўз зиммасига олди.

— Бу ташвишлар конкрет нимадан иборат?

— Бу якка тартибда қуриладиган уй учун лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш, қурилиш материаллари тақсимоти, давлат кредитига рухсат бериш, пудратчини белгилаш ва албатта, қурилиш устидан назоратни ташкил қилиш ишларидир.

Одатда илгари колхоз умумий йиғилиши конкрет бир оилага ер участкаси ажратиш тўғрисида қарор қабул қилган, қишлоқ Совети ижроия комитети бу қарорни маъқуллаган ва Советларнинг иши асосан шу билан колхозчи оиласига қурилиш материалларини ажратиш муддатлари белгиланади, пудратчи ташкилот аниқлаб берилади.

Район матлубот жамиятининг белгиланган магазинлари қурилиш материалларини фақат шу паспортларга асосан сотишга ҳақли. Қурилишни амалга оширадиган пудратчи этиб эса кўп ҳолларда ўша колхозчи ёки ишчи меҳнат қиладиган коллективнинг қурилиш бригадаси белгиланади. Қурилиш ишларини шундай тартибда бажариш унинг тўловли хизмат кўрсатиш планига киритилган. Корхона ўз коллективининг аъзоси учун уй қурганда эса муддатларни бузиш ёки сифатга риоя қилмаслиқ ўз-ўзидан уят, албатта.

Агар 1986 йилда 320 хонадон шундай тартибда уй қуришга киришган бўлса, 1987 йилда 785 ва шу йилнинг биринчи ярмида 1040 хонадон уй қуришни бошлаб юборди.

Кейинги икки йил мобайнида районда қурилиш материаллари таъминоти ўртача беш баравар ошди. Бунга биз маҳаллий ресурслардан фойдаланиш эвазига эришдик. Район хўжаликлари ет-тита ғишт заводига, 3 та оҳак сўндириш ва 4 та дурадгорлик цехига эга. Районда хўжалик қурилиши асосида лак-бўёқ маҳсулотлари, мих ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш тадбирлари кўрилмоқда. Томск ўрмончилик хўжаликлари билан ўзаро маҳсулот алмашув тўғрисида шартномалар тузганмиз. Улар бизга ёғоч-тахта материалларини етказиб беришади, биз эса уларни ноз-неъматлар билан сийлаймиз.

Мана шундай резервларни ишга солиш эвазига кейинги вақтда районда уй-жой фондини кўпайтиришда кескин ижобий ўзгаришларга эришилди. Ҳозир аҳоли жон бошига фойдали турар жой майдони 10,2 квадрат метрни ташкил қилмоқда. Тўқсонинчи йилларнинг иккинчи ярмига бориб, биз бу майдонни 14,2 квадрат метрга етказиш учун барча имкониятларга эгамиз. Афсуски, айрим муаммолар бу имкониятларни охиригача ишга солишга халақит беряпти.

— Қандай муаммолар?

— Ҳозирнинг ўзида тузган бош планларимизга кўра яна 2600 хонадонга янги уй қуриш учун ер участкаси ажратиш имкониятига эгамиз. Ўтказилган таҳлил бу нарса қишлоқ хўжалик экин майдонини қисқартирилмаслигини аниқ исботлаб турибди. Чунки бунинг ҳисобига эски хутор типидаги уй-жойлар текисланиб экин майдонларига қўшилади.

Аммо икки нарса бизни ер ажратишга талаб ҳамон катта бўлишига қарамай уни нисбатан бир маромда сақлашга мажбур қилмоқда. Биринчиси, қурилиш материалларининг айрим турлари ҳамон тақчиллигидир. Чунончи, қишлоқ қурувчисига цемент, шифер етишмайди. Уларни кўпайтиришнинг маҳаллий ресурсларига эга эмасмиз, албатта. Иккинчиси, маблағларнинг етишмаслигидир. Айни маҳалда районимизда қишлоқ аҳолисининг қурилиш учун молиявий қарз олиш эҳтиёжи деярли 8 миллион сўмни ташкил қилади. Ажратилган лимит эса 500 минг сўм этиб белгиланган. Бу маблағ билан биз ҳозир қурилиш олиб бораётганлардан ҳар бештасидан бирининг эҳтиёжини қисман қондирдик, холос.

Умуман, республикадаги планлаштириш, банк ва таъминот аппарати ходимларининг лоқайдлиги Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг якка тартибда уй-жой қуришни ривожлантириш бўйича қарорининг бажарилишини сустлаштирмоқда. Моддий ресурсларни ва молиявий маблағларни республика районлари ўртасида тақсимлашда текисчилик принципига риоя қилиш мана шундай оқибатларга олиб келяпти.

Районда фойдаланилмаётган меҳнат ресурсларининг катта резервига эгамиз. Бундай аҳвол қишлоқ хонадонининг моддий аҳволига путур етказмоқда. Мана икки йил бўляптики, район территориясида область марказидаги саноат корхоналарининг филиалларини ташкил қилиш, мева-сабзавот маҳсулотини қайта ишлаш цехларини жиҳозлашга ёрдам бериш бўйича таклифларимиз инобатга олинмаяпти.

Яна бир муаммо — қишлоқларимизни ободонлаштириш масаласи. Райондаги қишлоқлар ички хўжалик йўлларининг атиги 27 проценти асфальтланган, водопровод тармоғи билан 12 процент, табиий газ билан 15 процент хонадон таъминланган, холос. Аҳволни тузатиш учун тегишли лойиҳа-смета ҳужжатларини аллақачон тузиб қўйганмиз. Колхозларнинг ҳисобида бунинг учун зарур маблағлар бор. Лекин агросаноат комплексининг қурилиш-монтаж қувватлари заифлиги, қурилиш материаллари тақчиллиги бу ишда яқин келажакда ижобий ўзгаришлар ясашга имкон бермайди.

Қундалик вазифаларни ҳал қилиб яқин истиқболни ҳам унутмаслик лозим. Демографик таҳлил 2000 йилга келиб райондаги оилалар сони ҳозиргига нисбатан 13,5 мингтага кўпайишидан дарак бермоқда. Уларнинг барчасини янги уй-жойлар билан таъминлаш учун 2 минг гектар экин майдонини ажратишга тўғри келади. Республика Давлат агросаноат комитети ўн учинчи беш йиллик планларини ишлаб чиқиш пайтида бини инобатга олиши лозим бўлади.

Умуман, қишлоқ аҳли якка тартибда уй қуриш билан қишлоқдаги социал муаммолардан энг ўткирини ҳал қилишга тайёр бўлиб турибди. Фақат бу хайрли ишда унга амалий ёрдам бериш, оғирини енгил қилиш лозим.

• XIX БУТУНИТТИФОҚ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ НУҚТАИ НАЗАРИДАН

ЮҚОРИ САМАРАДОРЛИК ОМИЛИ

Фан-техникани ривожлантиришда ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмоқда, деб таъкидланди КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясида, лекин вазиятни тубдан ўзгартиришга ҳали эришилгани йўқ.

Партия конференциясида ишлаб чиқариш воситаларига бўлган умумиттифоқ ва маҳаллий эҳтиёжларни, аҳолини эса халқ истеъмоли моллари билан янада тўлароқ қондиришни таъминлашга алоқадор саноат комплекси ролига алоҳида эътибор берилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасига диққат-эътиборни кучайтириш тўғрисидаги қарорида ҳам ушбу масала ўткир қилиб қўйилди. Айнан шунинг учун саноатнинг ишлаб чиқариш-техникавий базасини ривожлантириш ва такомиллаштириш, халқ хўжалиги учун зарур маҳсулотлар етказиб беришни кўпайтириш муҳим масала бўлиб қолмоқда. Шу маънода республикадаги мавжуд аҳвол қандай?

Саноат ишлаб чиқариши техникавий қудратини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар республика индустрияси даражаси ўсишига кўмаклашди. Кейинги йилларда саноатнинг ялпи ижтимоий ишлаб чиқаришдаги улуши ошди, асосий ишлаб чиқариш фондлари кўпайди. Айни чоғда маҳсулотлар ва меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари пасайди, фондлар самарадорлиги тушиб кетди, маҳсулотлар сифатсизлиги сақланиб қолмоқда. Истеъмолчиларни саноат маҳсулотларининг кўпгина турлари (пахта териш машиналари, ип газлама ва шойи, тайёр кийим-кечак ва бошқалар) сифати қониқтирмаяпти. Чунончи, ҳозир республикада олий сифатли маҳсулотлар улуши аттестациядан ўтказиладиган жами маҳсулот ҳажмининг бор-йўғи 28 процентини ташкил этмоқда. Ҳолбуки бу рақам мамлакат миқёсида 44 процент, Белоруссия ССРда 57,4, Молдавия ССРда эса 51,1 процентга тенгдир.

Бунинг асосий сабаби мавжуд ишлаб чиқариш потенциалидан етарли фойдаланилмаётганидир. Саноатнинг такомиллашмаган тармоқ ва территориал структураси, бошқарув системаси ва унинг хўжалик механизмидаги камчиликлар ҳам жадал тараққиётга тов бўлиб турибди. Экономика структурасида асосан чиқимдорлик характери сақланиб қолаётганлиги партия конференциясида кўрсатиб ўтилгани бежиз эмас. Фан-техника тараққиёти суст ривожланмоқда, миллий даромадни кўпайтиришга ва ресурсларни тежашга оид планлар бажарилмаяпти. Тексичилик ва тайёрга айёрлик экономикани интенсив ривожлантиришга жиддий тўсиқлигича қолмоқда. Жамиятнинг турли бўғинларида, жумладан, меҳнат коллективларида ишга муносабатнинг ўзи кўнгилдагидек ўзгармади. Меҳнат интизомининг даражаси қайта қуриш талабларига мувофиқ келмаяпти.

Таҳлиллар далолат берадики, республика саноати асосий ишлаб чиқариш фондларининг технологик структураси яхшиланишига қарамай, улардан фойдаланиш кўрсаткичларида ёмонлашиш тенденцияси кузатилмоқда. Бу эса қувватлардан фойдаланиш ва асбоб-ускуналарнинг смена коэффициенти пастлиги, иш вақтининг зое кетиш ҳоллари билан боғлиқдир. Масалан, Андижон ип-газлама комбинатида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш 66 процентни ташкил этса, Наманган химия заводида қувватлардан 30 процент фойдаланаётган участкалар бор. Машинасозликда ҳам бу соҳада катта резервлар мавжуд. Айрим корхоналарда ускуналарнинг иш билан бандлиги коэффициенти 63 процентдан 98 процентгача. Лекин ускуналарнинг сменали коэффициенти машинасозликда ва металлни қайта ишлашда 1,17, машинасозликнинг ўзида 1,34, енгил саноатда эса 1,4—1,8 дан юқори эмас.

Ҳолбуки корхоналар сменалилиги ўсиши муҳим кўрсаткич бўлиб, у асбоб-ускуналардан янада тўлароқ фойдаланиб, халқ хўжалиги учун зарур қўшимча маҳсулотлар тайёрлаш, янги қурилишлар учун капитал маблағлар сарфлашни қисқартиришдан ташқари, меҳнатга лаёқатли аҳолини ижтимоий ишлаб чиқаришга кўпроқ жалб этиш каби муҳим қолаётир. Жумладан, машинасозликда эски асбоб-ускуналар улуши 40 процентгача боради, енгил саноатда эса салкам 30 процентни ташкил этади. Олинаётган прогрессив асбоб-ускуналар тўла қувват билан ишлатилмаётир. Механизациялашган ва автоматлашган поток линияларнинг катта қисми атиги 1-1,5 сменада фойдаланилмоқда. Оғир ва сермеҳнат иш жараёнларини механизациялаш секин бораётганлиги ҳам аҳволни оғирлаштирмоқда. Ёрдамчи ишлаб чиқариш жараёнида республика саноатидаги мавжуд поток ва автомат линиялар умумий сонининг 3,7 процентигина ўрнатилган. Қўл меҳнатининг саноатдаги улуши юқори (45 процентгача) лигича қоляпти. Бу ҳол техникавий қайта қуроллантириш суръатларини жадаллаштириш заруриятини ўткир масала қилиб қўймоқда.

Фан-техника тараққиётининг самарадорлигини ошириш тўғри инвестиция ва структура сиёсатини ишлаб чиқишни тақозо этади. Лекин ҳозиргача инвестиция сиёсати «ресурслар» ёндашувига асосланиб, саноатни ривожлантиришнинг экстенсив омилларига қаратилган. КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси кўрсатганидек, халқит берувчи тўғаноқлар ҳали тўла-тўкис бартараф этилгани ва жадаллаштириш омиллари билан алмаштирилгани йўқ. Экономика кўп жиҳатдан ҳамон экстенсив йўлдан ҳаракат қилмоқда. Ялпи, миқдорий ёндашувларнинг тазйиқи тугатилмаган.

Ижтимоий эҳтиёжларнинг ўсиши, Ўзбекистоннинг умумиттифоқ меҳнат тақсимотига қўшаётган ҳиссаси кучайиши ўзгариб бораётган демографик ва сув хўжалиги вазияти билан уйғунликда саноатни фан-техника тараққиёти базасида жадал ривожлантиришни талаб қилмоқда. Бунда ишлаб чиқаришни интенсивлашнинг барча резервлари ва имкониятларидан янада тўлароқ фойдаланишни тақозо этади. XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида КПСС XXVII съездининг экономикани социал соҳа сари буриб юбориш йўли бутун структура ва инвестиция сиёсатининг ўзаги, такрор ишлаб чиқариш суръатлари ва пропорцияларини шакллантиришнинг асосий негизи бўлиб қолиши лозимлигига эътибор жалб қилинди. Бу йўл иқтисодий ўсишнинг янги сифати билан, ишлаб чиқаришни ҳар томонлама интенсивлаш, ресурсларни тежаш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, машинасозликни реконструкциялаш билан чамбарчас боғланган.

Вужудга келтирилган ишлаб чиқариш потенциалидан яхшироқ фойдаланиш ҳам самарадорлик салмоғини оширишга хизмат қилади. Оғир саноат тармоқларида смена коэффициенти имкониятларидан кенг фойдаланиш зарур. Маҳсулот сифатини кескин оширишга алоҳида эътибор берилиши керак. Маҳсулотнинг давлат қабули жорий этилгани, бирлашмалар ва корхоналарнинг хўжалик ҳисоби ва ўз харажатини ўзи қоплашга ўтганлиги юқори самарадорликка эришишда катта афзалликлар беради. Ҳисобларга кўра, яқин истиқболда машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноатида асбоб-ускуналар смена коэффициенти 1,17 дан 1,85 га, жумладан машинасозликнинг ўзида 1,34 дан 2,00 гача, химия саноатида 1,57 дан 2,1 гача кўпайтирилади. Енгил ва озиқ-овқат саноатида смена коэффициентини ўстириш маҳсулот сифатини ошириш билан боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Енгил саноатда унинг тармоқ хусусиятини ҳисобга олган ҳолда смена коэффициенти 1,7 дан 1,9 га кўтарилади.

Унутмаслик керакки, ускуналар коэффициентини ошириш, иш вақтининг зое ўтишини камайтириш чора-тадбирлари кўтарилиши билан республика саноатида ялпи маҳсулотнинг тахминан 5 процент ўсишига эришиш мумкин. Фан-техника ютуқларини кенг жорий этиш йўлини оғишмай амалга ошириш, ускуналарни янгилаб бориш ҳамиша диққат-эътиборда бўлиши лозим. Бу эса 10—12 йил мобайнида саноатдаги асосий фондларни тўла янгилаш ва фан-техника тараққиётини жадаллаштиришнинг зарур суръатларини таъминлашга имкон беради.

КПСС XXVII съезди жадал ривожланиш йўлларини белгилаб берди. Саноат ривожланишининг белгиланган кўрсаткичларини таъминлаш учун меҳнат жараёнини концентрациялаш, меҳнат ва ишлаб чиқаришни пухта ташкил этиш, хўжалик механизми ва бошқарувнинг бутун системасини такомиллаштириш керак. Бу юқори самарадорлик йўлидир.

Н. СУЛТОНОВ,
иқтисод фанлари кандидати.

• *Китоблар оламида*

ЯНГИ ТИПДАГИ ЛУҒАТ

Ҳозирги фан-техника тараққиёти даврида халқ хўжалигининг қарийб барча соҳасида электрон-ҳисоблаш машиналари кенг қўлланилмоқда. Гуманитар фанларда, хусусан, ўзбек тилшунослигида ҳам тил ёки нутқ ҳодисаларини математик-кибернетик методлар ёрдамида тадқиқ этиш ишлари амалга оширилмоқда. Тошкент давлат чет тиллар педагогика институти умумий тилшунослик кафедрасининг доценти Суннатилла Ризаев 1970 йили республикамизда биринчи бўлиб, «Ҳозирги ўзбек тили ҳарф ва фонемалар составини ЭҲМ ёрдамида статистик тадқиқ этиш» номли кандидатлик иши билан ўзбек тилшунослигининг ҳисоблаш (инженерлик) лингвистикаси соҳасига кириб келганди.

Яқинда олимнинг Н. Бўронов билан ҳамкорликда «Абдулла Қаҳҳор «Синчалак» повести тилининг частотали луғати» номли китоби «Ўқитувчи» нашриётида чоп этилди. Мазкур китоб ўзбек тилшунослигида дастлаб нашр қилинган грамматик индексацияли янги типдаги сўз формалари луғатидир. Айтиш керакки, бу типдаги луғат ёзувчининг сўз бойликларини аниқлашда, тил услубини ўрганиш, у ёки бу жанр учун қайси сўз формаси характерли эканлигини аниқлаш, ўзбек тилининг изоҳли луғатини яратиш, сўзнинг семантик, фонетик-фонологик ва морфематик ҳамда сўз ясалиш структурасини лингвистик тадқиқ этишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Ҳар бир луғат сўзлигининг грамматик индексацияси — сўз туркумларининг келтирилиши ҳамда айрим ўринларда луғат сўзлигидан сўнг ўша сўзнинг китобий ёки сўзлашув нутқига, қайси фан соҳасига хослиги махсус белгилар билан қайд этилиши ҳам китоб қимматини оширади, албатта. «Синчалак» повести тилининг частотали луғатида 10590 луғат бирлиги — сўз формаси мавжуд бўлиб, улар умумий текстда 37482 марта қўлланганлиги қайд этилади. Бунда бир мартадан учраган сўзлар умумий текст ҳажмининг 62,59 процентини, икки мартадан қўлланган сўзлар — 15,34 процент ва ниҳоят, 10 ва ундан ортиқ марта қўлланган сўзлар умумий текст ҳажмининг 5,34 процентини ташкил этади. Демак, «Синчалак» повести текстида бир мартадан қўлланган сўзлар миқдор жиҳатидан кўплиги билан характерланади. Шундай кам қўлланадиган сўзлар асосида асар тилининг стилистик хусусиятларини илмий-лингвистик тадқиқ этиш мумкин. Лингвостатистик тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, А. Қаҳҳорнинг «Синчалак» повестида янги сўзлар (сўз формалари) миқдор жиҳатидан сўз туркумларидан — от, феъл, олмош, сифат ва бошқалар кўп ўринни эгаллайди.

Грамматик индексацияси қайд этилган сўз формалари луғати республикамизда биринчи марта нашр этилганлигидан унда тўлдирилиши керак бўлган айрим ўринлар ҳам йўқ эмас. Бизнингча, ҳар бир луғат бирлигидан сўнг сўзнинг келиб чиқиши (этимологияси) ҳам қайд этилса, фойдадан холи бўлмасди. Кейин айрим ўринлардагина эмас, балки ҳар бир сўзликдан сўнг ўша сўз иштирокидаги бирикмалар миқдори текстда кўпроқ келтирилса, шунингдек, сўз адреси билан тўлдирилса, ишнинг қиммати янада ортар эди. Луғат муаллифлари ўз ишларини давом эттириб, келажакда ёзувчининг тўлиқ танланган асарлари тилининг частотали луғати ва сўз адресини тузсалар ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлган фундаментал ишни амалга оширган бўладилар.

Мазкур луғатдан мактаб ўқувчилари, ёзувчилар, сўз структураси билан, шунингдек, ҳисоблаш лингвистикаси билан қизиқувчилар кенг фойдаланишлари мумкин. Бу типдаги луғатларни ЭҲМда яратиш биринчидан, ўша давр ёзувчи ёки шоирлар тили сўз бойлигини аниқлаш имконини берса, иккинчидан, умумтил луғат составининг қай даражада эканлигини кўрсатиш билан ҳам иш кучи, ҳам вақт жиҳатидан бирмунча қулайликлар келтириши табиий.

«Абдулла Қаҳҳор «Синчалак» повести тилининг частотали луғати» номли иш келгусида яратилиши зарур бўлган «Абдулла Қаҳҳор тили луғати» номли фундаментал ишнинг дебочаси бўлиб, бу китоб илмий жамоатчиликда ҳам, ҳисоблаш лингвистикаси практикасида ҳам катта қизиқиш уйғотиши шубҳасиз.

А. АЛИЕВ,
Тошкент давлат университети профессори.

Т. ХУЖАЕВ,
Самарқанд давлат университети доценти.

И. АЪЛОЕВ,
филология фанлари кандидати.

Фан-техника тараққиёти — юксалиш қаноти

ҒЎЗА ДЕФОЛИАЦИЯСИ ВА ТАБИАТ

Мутахассис маслаҳати

Пахта терими мавсуми яқинлашмоқда. Ҳосилни машиналарда териб олиш учун ғўзаларнинг барглари тўкилган, қўсакларнинг камида 60—65 проценти очилган бўлиши лозим. Ғўза барглари ни сунъий тўктиришда химиявий моддалардан — дефолиантлардан фойдаланилади.

Кейинги икки йил мобайнида ғўзани бутифоссиз дефолиация қилиш атроф-муҳитни соғломлаштиришда катта роль ўйнади. Ҳозир ишлаб чиқаришда мавжуд дефолиантлар магний хлорати, кальций хлорат-хлориди, шунингдек янги «сиҳат» моддаси (кам заҳарли III класс) химикатлари ҳисобланади. Аммо буларнинг баъзилари гектарида 8-10, бошқа бирлари эса 20-30 килограмм миқдорида ишлатилади. Бинобарин Ўзбекистоннинг пахтазорларига қузнинг бир ойидаёқ 25 минг тонна атрофида химиявий модда сепилади. Бу моддаларнинг анча қисми тупроққа тушади.

Юқорида айтилган дефолиантлар тупроқда жуда тез парчаланадиган моддалардир. Ҳатто дроп дефолиантининг ярим парчаланиш даври икки ойга ҳам етмайди. Алмашлаб экишда ғўзадан кейин ўстирилган экинларда бу моддалар топилмаган ва уларнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатмаган. Аммо юқоридаги рақамлар ғўза дефолиациясини барча мутахассислар қандай қилиб экологияга энг кам салбий таъсир кўрсатадиган даражада амалга ошириш устида чуқурроқ фикр юритишларини тақозо этади.

Химиявий моддаларнинг атроф-муҳитни ифлослантиришини кескин камайтирувчи омилларидан бири — ғўзаларни сунъий баргсизлантириш ни қайси муддатларда ўтказиш, қандай дефолиантдан қанча фойдаланиш лозимлигини тўғри белгилашдир. Дефолиациянинг дастлабки муддатларида ҳавонинг ҳарорати бирмунча баланд бўлади. Бунда кальций хлорат-хлориди ва «сиҳат» дефолиантлари яхши натижа беради.

Ингичка толали ғўзаларнинг дефолиациясида бу икки модда билан бир вақтда магний хлоратининг бутилкаптакс билан аралашмаси ҳам тавсия этилади. Бунда медицина ходимлари билан албатта маслаҳатлашиш зарур.

Дефолиациянинг дастлабки муддатларида магний хлоратининг турли аралашмаларидан, кейинчалик эса ундан соф ҳолда фойдаланилади. Шундагина қайта дефолиация ўтказишга эҳтиёж қолмайди ва химиявий моддалар кам сарфланади. Бунда дефолиантларнинг гектарлик нормасини тўғри белгилаш ҳам муҳимдир. Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети томонидан 1986 йилда нашр этилган тавсияларда бу нормалар ҳақида батафсил айтилган.

Ўрта толали ғўзаларнинг дефолиациясида магний хлорати гектарига 8-12, кальций хлорат-хлориди 20-25 килограмм, ингичка толали ғўзаларда эса улар 13-17 ва 26-30 килограммдан, шунингдек, магний хлоратининг бутилкаптакс билан аралашмаси 5,5 килограмм миқдорида тавсия этилган. Шуни таъкидлаш лозимки, бу нормалар ўсимликларнинг ривожланиши, барг сатҳи, уларнинг дефолиантлар таъсирига берилувчанлиги, ҳавонинг ҳарорати ва шу кабиларни ҳисобга олган ҳолда табақаланиб ва тежаб белгиланади.

Янги «сиҳат» дефолианти ўрта толали ғўзаларнинг баргини тўктиришда гектарига 10-15, ингичка толали ғўзаларда 14-16 килограмм миқдорида белгиланади.

Истиқболли дроп дефолианти жанубий районларда яхши самара берадиган, ўсимликка «юмшоқ» таъсир этадиган бирдан-бир моддадир. Унинг таъсирида ғўза барглари қовжирамай, яшиллигича тўкилади. Бу дефолиант ишлатилганда барглардаги озиқ моддалар қўсакларга кўпроқ оқиб ўтади, ўсимликларнинг ҳосилдорлиги камаймайди, пахта сифати бузилмайди. Унинг яна бир афзаллиги шундаки, заҳарлилиги бўйича магний хлорати ва кальций хлорат-хлориди билан бир қаторда турса-да, магний хлоратига нисбатан гектарига қарийб 20-22, кальций хлорат-хлоридига нисбатан эса 35-40 марта кам сарфланади.

Дроп ингичка толали ғўзалар дефолиацияси учун гектарига 0,3-0,6 ва ўрта толали ғўзалар учун 0,5-0,7 килограмм миқдорида тавсия этилади. Ҳавонинг ҳарорати баланд бўлганда говламаган ингичка толали ғўзалар дефолиациясига гектарига 0,2 ва ўрта толали шундай ғўзаларда 0,3-0,4 килограмм ишлатилганда ҳам мақсадга эришилади. Унинг асосий камчилиги шундаки, ҳавонинг ўртача ҳарорати 20 даражадан, кечки ҳарорати 15 даражадан пастга тушса, бу дефолиантнинг активлиги сезиларли даражада пасаяди.

Дефолиантларнинг экологияга салбий таъсирини камайтирувчи омилларидан яна бири — дефолиация муддатларини тўғри белгилашдир. Кейинги йилларда ўтказилган тажрибаларда аниқланишича, ўрта толали ғўзалардаги қўсакларнинг 35-40, ингичка толали ғўзаларда эса 50-55 проценти очилганда дефолиация қилиниши яхши натижа беради. Бу муддат улардаги энг ёш қўсакларнинг тахминан 40-42 кунлик даврига тўғри келади. Уларда толалар яхши шаклланган бўлади ва уларга дефолиант жуда ҳам оз салбий таъсир қилади. Шундагина, ғўза биологик жиҳатдан дефолиация ўтказиш учун тайёр деб ҳисобланади. Ҳавонинг ҳарорати, тупроқнинг намлиги (намлик тупроқнинг энг кичик нам сиғимига нисбатан 65-70 процент бўлганда дефолиантларнинг таъсири яхши бўлади) ва бошқа омиллар маромида бўлганда юқори самарадорликка эришилади, такрорий дефолиацияга ҳожат қолмайди, атроф-муҳит ортиқча ифлосланмайди.

Тупроқда намлик етарли бўлганда, ҳавонинг ўртача бир кеча-кундузлик ҳарорати 18-20 даража ва ундан ҳам баланд бўлса, дефолиант миқдори 10-15 процентга камайтирилса ўсимлик барглари нинг сифатли тўкилишига эришиш мумкин.

Маълумки, самолётлар ёрдамида дефолиация қилинганда химиявий моддалар теваракка кўп тарқалади. Кўплаб районлар, ҳатто областлар дефолиацияни «ОВХ» агрегатлари воситасида ўтказиш усулига ўтгандлари бежиз эмас. Бунда пуркалаётган эритма заррачаларининг шамол ёрдамида атрофга тарқалиши кескин камаяди. Ғўзаларнинг пишиб етилишига қараб, далалар бирин-кетин яхши муддатларда дорилананди ва энг муҳими — химиявий моддалар мақсадга мувофиқ ва тежаб сарфланади.

Баъзи жойларда самолётлар ёрдамида дефолиация қилишга ҳам тўғри келади. Эритма сепаётганда учиш баландлиги 5 метрдан ошмаслиги керак, шамолнинг тезлиги секундига 4 метрдан, ҳавонинг ҳарорати 30 даражадан ортиқ бўлмаслиги, аэродромларда ҳизмат кўрсатувчи ходимлар, сигналчиларнинг иши тўғри ташкил қилиниши лозим.

Дефолиантларни ташиш, сақлаш ва ишлатишда барча эҳтиёт чораларига амал қилиб, уларни нобуд қилмай, тежамли сарфлаш атроф-муҳит заҳарланишининг олдини олишга ёрдам беради.

Шу заминда яшаётганимизни, уйимиз ҳам, тириклик манбаимиз ҳам, авлодларга қолдирадиган бойлигимиз ҳам она табиат эканлигини унутмайлик. Уни асрайлик, бутун чоралар билан муҳофаза қилайлик!

М. ТУРАЕВ,
«Союзхлопок» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси дефолиация ва десикация секторининг катта илмий ходими.

ИМКОНИЯТЛАР КЎП

— Бошқа соҳани билмайману, аммо шоферликда тежаш имкониятлари кўп,— дея гап бошлади Пастдарғом районидаги 6-автокорхона ҳайдовчиси Шерали Ҳақбердиев. — Буни ўз тажрибамдан айтяпман. Ҳар йили камида уч-тўрт кун фақат тежаб қолинган ресурслар билан ишлашни одат қилганман.

Барча кўрсаткичлар бўйича етти ойлик топшириқни ошириб адо этган бу илғор шофер йил бошидан буён юзлаб литр ёнилғи, шина ва эҳтиёт қисмлар тежади.

Н. НОРМУРОДОВ.
Самарқанд области.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

ЖАҲОН ТАБРИКЛАМОҚДА

СОФИЯ. Болгария Халқ Республикаси БМТ Бош секретари Перес де Куэльярнинг 20 август куни Эрон билан Ироқ ўртасида ўт очиш тўхтатилажаги ва Женевада шу икки мамлакат ўртасида музокаралар бошланиши тўғрисида берган баёнотини табриклайди, деди БХР Ташқи ишлар министрлигининг вакили Болгария телеграф агентлиги мухбири билан суҳбатда. Ҳозир иккала давлат халқлари олдида ушбу районда мустаҳкам ва адолатли тинчлик ўрнатиш учун реал имконият очилаётганидан Болгария чуқур мамнуният билдиради.

КУАЛА-ЛУМПУР. Малайзия Эрон билан Ироқ ўртасида ўт очишни тўхтатиш тўғрисида эришилган аҳдномани 8 йиллик можарони тугаллашга олиб борадиган қадам, деб баҳолайди, дейилади мамлакат ташқи ишлар министри Абу Ҳасан Омарнинг бу ерда тарқатилган баёнотида.

(ТАСС).

ОБЪЕКТИВДА — МОНГОЛИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ

Улан-Батор. Совет бинокорлари томонидан Монголия пойтахтида қурилган ва монгол халқига ҳадя этилган уйсозлик комбинати.

Б. Корзин фотоси (ТАСС фотохроникаси).

ХАБАРЛАР ОҚИМИ

Суданда олти ой муддат билан фавқулодда ҳолат жорий этилди. Табиий офат — жала ёмғирлар келтириб чиқарган кучли тошқин оқибатида расмий маълумотлар шундай чора-ни кўрдилар.

Судан пойтахти, шунингдек шимолий Ад-Дамир вилоятининг маркази Кассала шаҳри ва бошқа бир қанча аҳоли пунктлари офатзада районлар, деб эълон қилинди. Бу районларда жуда кескин вазият вужудга келди. 1 миллионга яқин суданлик бошпанасиз қолди. Хартумнинг ўзида ва унинг атрофларида ёмғир 10 мингдан кўпроқ уй-жой биносини вайрон қилди, бир қанча кишилар нобуд бўлди.

●

АҚШ. Миллий онкология институтида СПИД билан оғриган касалларни даволашга мўлжалланган янги дори билан дастлабки эксперименталар бошланди. Бу дори ген инженерияси соҳасидаги ишлар натижасида олинган протеиндан иборат. «Мен янги дорининг имкониятини ошириб кўрсатмоқчи эмасман, — деди АҚШда СПИДга қарши дори яратиш ишлари соҳасидаги етакчи мутахассислардан бири доктор С. Броудер. — Унинг қанчалик яхши натижа беришн тўғрисида аниқ гапириш учун ҳали жуда эрта».

(ТАСС).

СОҒЛОМ ФИКР ҒАЛАБАСИ

Бундан саккиз йил муқаддам Эрон—Ироқ қуролли можароси бошланганидан буён 1200 километр масофага чўзилган ҳарбий ҳаракатлар фронтида биринчи марта артиллерия отишмалари тинди, сиреналарнинг ҳаво тревогасини билдирувчи қулоқни батанг қилиб чийиллаши эшитилмай қолди. Бағдод ва Теҳрон кўчалари кечаси электр нуридан чароғон бўлди. Ироқликлар ҳам, эронликлар ҳам БМТ бош секретари П. де Куэльяр эълон қилган Эрон билан Ироқ ўртасидаги урушни тўхтатиш хусусидаги ўз қувончларини яширмаяптилар. Урушни тўхтатиш расмий равишда 20 август куни кучга кириши керак. Хурсанд бўлган оломон Бағдод ва Ироқдаги бошқа шаҳарларнинг кўчаларига чиқди, мамлакатда уч кунлик умуммиллий байрам эълон қилинди. Теҳрон радиоси Эрон президенти С. А. Ҳаменеинг «саккиз йилдан бери давом этаётган уруш тугаётганга ўхшайди», деган гапларини эшиттирди.

Мухолифлик қилаётган иккала томон раҳбарларининг розилиги билан қабул қилинган бу қарорни араб дунёсида, регион мамлакатларида мамнуният билан кутиб олдилар. Саудия Арабистони ташқи ишлар министри шаҳзода Сауд ал Файсал ўт очишни тўхтатиш тўғрисидаги битим ва икки мамлакат вакиллари ўртасида бевосита музокаралар бошланиши муносабати билан Эрон ва Ироқ раҳбарларига табрикнома йўллади. Буни у тинчлик йўлидаги «дастлабки қадам», деб атади. Қувайт амири шайх Жабир ал Аҳмад ал Жобир ас Сабоҳ Эрон—Ироқ фронтида ўт очиш тўхтатилганлиги муносабати билан 11 август куни мамлакатда байрам қилинишини эълон қилди. Туркия ўт очишни тўхтатиш тўғрисидаги битимни бажариш ишида ҳар қандай зарур ёрдам кўрсатишга тайёр эканлигини айтди.

Шундай қилиб, иккинчи жаҳон урушидан кейинги энг кўп қон тўкилган бемаъни урушни тўхтатиш учун реал шароитлар яратилди. Бу можаро бир миллиондан ортиқ кишининг ёстиғини қуритди, моддий зарар 400 миллиард доллардан кўпроқни ташкил қилди.

Эрон билан Ироқ вакиллари ўртасида БМТ ҳомийлигида бевосита музокаралар бошланиши адолатли ва мустаҳкам тинчлик ўрнатиш йўлидаги навбатдаги қадам бўлиши керак. Бу музокаралар, БМТ бош секретари Перес де Куэльярнинг айтишича 25 август куни Женевада бошланиши керак. Ана шу музокаралар давомида соғлом фикр тантана қилади ва томонлар баҳсли муаммоларни ҳам Ироқ, ҳам Эрон халқларининг миллий манфаатларига путур етказмаган ҳолда ҳал қилишга муваффақ бўладилар, деб умид қилишгина қолмоқда.

Бизнинг мамлакатимиз можаро бошланган пайтдаёқ Эрон билан Ироқ ўртасидаги мунозарали масалаларни ташқаридан аралашувларсиз, бевосита алоқа боғлаш йўли билан тинч воситалар ёрдамида ҳал қилиш зарурлигини ёқлаган эди. Воқеаларнинг бориши бошқа тинчликсевар давлатлар ҳам ҳимоя қилган ана шу йўлнинг тўғрилигини тасдиқлади. Шуни айтиш мумкинки, ҳозир БМТ Уставидаги принциплар ғалаба қилди, соғлом фикр ғалаба қилди.

Олег ЗУЕНКО
(ТАСС).

Мўл ҳосил тўпланмоқда

● «Правда» колхози —Поп районидаги пешқадам хўжаликларнинг бири. Коллектив бу йил она—Ватанга 4030 тонна «оқ олтин» армуғон этиш учун ғўза парваришини юқори агротехника талаблари асосида парвариш қилмоқда. Бригадалар ўртасида ташкил этилган социалистик мусобақада Октябрь Революцияси ҳамда Меҳнат Қизил Байроқ ордени лари нишондори Сотволди Эргашев, Деҳқонбой Қўчқоров, Омина Абдуллаева, Тоҳир Норматов бошлиқ бригадалар пешқадам. Ҳар туп ғўзада ҳозирнинг ўзидаёқ 10—11 тадан бўлиқ кўсак ва кўплаб ҳосил тугунчалари бор.

1172 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан ортиқ ҳосил олиш — уларнинг эзгу нияти. Колхоз пахтакорлари ҳосилнинг 80 процентини машиналар билан териб олишни мўлжаллаб, парваришни шунга яраша олиб бормоқдалар.

С. ҚЎЧҚОРОВ.

ТАЪМИРЛАШ УСТАСИ

Андижонликлар Абдуманноб Қодировни таъмирлаш ишларининг моҳир устаси сифатида ҳурмат қилишади. Унинг кошинкорлик, ганжкорликнинг нозик ва мураккаб ишларини юксак маҳорат билан бажаришини республиканинг бошқа кўпгина шаҳарларида ҳам билишади.

Моҳир уста ҳозир Андижон районидаги Охунбобоев номли совхозда қад кўтараётган мемориал ёдгорлик кошиналарини ишламоқда.

В. ЮНУСОВ.
Андижон области.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти қуйидаги китобларни ўзбек тилида чоп этди.

Халқ оғзаки ижоди. Самак айёр. 256 бет. Баҳоси 1 сўм 30 тийин.

Тожикчадан ўзбек тилига таржима қилинган бу халқ романи ривоятлардан ташкил топган халқ китобидир. Доно, эпчил, ишбилармон, зукко Самак кўп ҳислатлари билан Насриддин афандига ўхшаб кетади. У доим кишиларга ҳамдард, шоҳу шаҳзода сарой аҳли ва боёнларни доғда қолдиради.

Тўлқин. Яна учрашамиз. Қатралар, ҳикоялар, қиссалар. 288 бет. Баҳоси 80 тийин.

Ҳаётда меҳр-муҳаббатсиз, одамларга оқибатсиз яшаб бўлмайди. Инсоннинг инсонга меҳри бор экан, ҳаёт лаззатли кечади, умр бемақсад ўтмайди. Бу тўпламдан ўрин олган қатра ва ҳикояларда инсоний бурч, ишонч, саминият туйғулари куйланади.

Аҳад Ҳасан. Қайноқ қум. Қиссалар, ҳикоялар, новеллалар. 304 бет. Баҳоси 1 сўм 20 тийин.

Китобга жамланган асарларда қайноқ қум ҳарорати, қадимий Бухоронинг тароватн уфуриб туради.

Раззоқ Абдурашид. Йўл ўртасида. Шеърлар, поэмалар, 240 бет. Баҳоси 1 сўм 40 тийин.

Тўплам шоирнинг қарийб 30 йиллик ижодидан ўзига хос сарҳисоб китоб бўлиб, унга бу даврда яратилган энг сара шеърлар, достонлар, жаҳон шеъриятидан таржималар киритилган.

• *Замондош портретига чизгилар*

ТАҚДИРГА ДАХЛДОР

Телефоннинг ўжарлиги тутди шекилли, мана, уйига тўртинчи маротаба қўнғироқ қилиши, уламаяпти. Шунча таассурот! Бир ўзига кўп-ку, ахир... Йўқ, ҳазил-ҳазил билан-у, аммо иккаласиям шунга одатланишган: ҳар оқшом бир-бирига кунлик «ҳисобот» беришади. Абдумалик ҳам қизиқ — шундай қилмаса ичи тўлиб кетаётгандек, бор гапини бир йўла тўкиб солади. Рафиқаси ҳам ўзига ўхшаш, ҳамфикрининг маслаҳатига мушток бўлганидан ишдаги ютуқ, камчилигиниям очиқ гапираверади. Балки турмушлари ширин, тотувлиги ҳам шундандир. Ўзлари сезмаган ҳолда уларни бир-бирига тобора маҳкамроқ боғлаётган нарса ҳам аслида ана шу оддий самимийлик, ишонч, меҳр-оқибат бўлса эҳтимол.

Аксига олиб уйига қўнғироқ қилолмаяпти. Тўғри, эрталаб, конференциянинг кундузги мажлиси бошланмасдан аввал гаплашганди. Ҳатто касалхонага ҳам қўнғироқ қилиб бир-иккита оғирроқ беморларининг аҳволидан хабар олди, баъзи нарсаларни маслаҳатлашди. Энди эса... У телефонга қараб қўйди-да, очиқ дераза олдига келиб тунги Москвани томоша қила бошлади. Бугунги бир кунлик воқеалар шу қадар кўп эдики, сира ичига сиғдиролмас, энг яқин кишисига тўкиб солгиси келарди. Қора телефон шу дамда кўзига бирам ёмон кўриниб кетдики... Стол олдига келиб, блокнотини очди. «Конференциянинг очилиш куни...» деб ёзди-да яна хаёли қочди.

Абдумалик том маънодаги ҳаяжонланиш нималигини шу бугун — Кремлнинг ҳашаматли Съездлар саройига қадам босганида сезди. Ўзбекистонлик делегатлар учун ажратилган жойга бориб ўтирганида ҳам юрак уриши босилмаган, бирон танишини қидиргандек атрофдагиларни кузатарди. Ҳаяжонда кўзи учрашган одами худди яқинидек туюлар, узоқдан бош силкиб саломлашаркан, фахрланиб қўярди. Айни чоғда елкасида тоғдек масъулият борлигини — ҳамкасблари, коллективи унга юксак ишонч билдириб, шундай олий анжуманга вакил қилиб юборганини ҳам дилдан ҳис этиб турарди.

Бўлмади. Яна трубкани қўтариб, уйининг номерини терераркан, қўлидаги соатга қаради; икки ярим. Худди кутиб тургандек биринчи қўнғироқдаёқ чўзиқроқ, бўғилганроқ «Лаб-бай» деган овоз эшитилди.

— Уйғотиб юбордим-а, — деди Абдумалик ҳовлиқиб.

— Тинчликми, Абдумалик ака, биринчи кун чарчамадингизми? — саволга савол билан жавоб берган бўлди рафиқаси.

— Ҳа, ҳа тинчлик, биласиз-ку тарки одат дегандек... — Абдумалик гуноҳкор одамдек чайналди. — Сизга ҳисоб бермай кўзга уйқу келмади.

Трубкада рафиқасининг майин кулгиси эшитилди.

— Бошланг бўлмаса, қулоғим Сизда...— Гапни охиригача эшитмаёқ Абдумалик тўлиб турган дили қулфини очди.

— Мен ҳаётимда очиқ кўнгиллик, ошкоралик билан ўтган бунақа катта йиғинни кўрмаганман. Мен, мен, десам ҳамма шу гапни айтади. Биласизми, делегатлар орасида минбардан янграётган гапларга биронта ҳам бефарқ кишини учратмайсиз. Гўё ҳамманинг эртанги куни шу дақиқада ҳал қилинаётгандек. Аслида ҳам шу-да. Докладда ҳам, музокараларда ҳам бир вақтлардагидек мақтаниш деган гап йўқ. Ҳал қилиниши лозим бўлган масалаларнинг ҳаммаси очиқ-ойдин ўртага ташланяпти.

— Бизнинг соҳа яна иккинчи ўринга тушиб қолмасайди, Абдумалик ака, — умр йўлдошининг бу гапи чўғга чўғ қўшгандек бўлди.

— Асло бундай бўлмайди. Қайта қуришни амалга ошириш учун элимиз, юртимиз кишиларининг тани-жони соғлом бўлиши керак-ку. Қолаверса, мен бор эканман, бундай бўлишига йўл қўймайман. Ахир Сиздан олган биринчи наказим шу эди-ку, — дея ҳазиллашди Абдумалик.

— Ҳаммаси яхши-я, бу дейман бир кунлик гаплар шунча бўлса, унда Бекободга қайтгач, бир йўла китоб битаркансиз-да!

Трубкада иккисининг кулгиси қўшилиб кетди. Абдумалик енгил тортди, уйқу элитаётганини энди сезди...

Конференциянинг қолган кунларидаги баҳс, мунозаралар, СССР соғлиқни сақлаш министри Е. И. Чазов, «Кўз микрохирургияси» тармоқлараро илмий-техника комплекси бош директори С. Н. Федоровларнинг нутқлари Абдумаликда шифокор сифатида катта таассурот қолдирди. Бу бежиз эмасди, албатта.

Асли ўрта чирчиқлик А. Тоғаев 1975 йил Тошкент давлат медицина институтини тугатиб, йўлланма бўйича Бекобод районига ишга юборилди. Бу орада район марказий шифохонаси қурилишида қатнашди. Қатнашди-ю, шу ерда қолиб кетди.

— 1982 йили шифохона ишга тушгандан буён А. Тоғаев шу ерда ишлаяпти, — дейди бош врач Эркин ака Қодиров. — Очиғини айтиш керак, Абдумаликни беморлар жуда севишади, чунки у фидойи шифокор. Бунақаси эса кам бўлади. Ҳозир қирқ ўринли кардиология бўлимининг мудири. Биз ундан энди кўпроқ нарса талаб қилишга ҳақлимиз. Конференциядан кўп нарса ўрганиб келганлиги аниқ.

Район аҳлига тиббий хизмат кўрсатиш ишларини яхшилашга ҳаракат қилиняпти. Айниқса, маъмурий биноларни соғлиқни сақлаш муассасаларига бўшатиб бериш бўйича қўйилган қадам хайрли ишнинг муқаддимаси бўлди. Бироқ барибир, Абдумаликни ўйлантирган муаммолар, унга тинчлик бермаётган хаёллар жуда кўп эди. «Умуман республикада аҳоли соғлигини муҳофаза қилишни қандай йўл билан яхшилаш мумкин? Сариқ хасталигининг давоси қачон топилади? Ахир, болалар ўлимининг кўпайиши кўп жиҳатдан шу касалликка ҳам боғлиқ-ку? Ваҳолонки, табиат тиниқлиги, мусаффолигини таъминламай, соғлиқни сақлаш хусусида ўйлаш ҳам қийин. Хўш, биз қачон заҳарли химикатлар балосидан қутуламиз, қачон оддий санитария маданиятига эга бўламиз? Ҳамма саволга бир йўла жавоб топиш мушкуллигини ўзи ҳам сезарди. Шу боис ишни энг асосий масалаларни ҳал қилишдан бошлаш керак шекилли. Бундай ўй-фикрлар бутун конференция давомида ҳам Абдумаликка тинчлик бермади. Ҳатто минбарга чиқишни ҳам мўлжаллаган эди.

Қўлидаги ўчириб-чизилган, яна қайта устига ёзилган қоғозида шундай фикрлар бор эди. «Менимча, қайта қуришни ҳамма ўзидан бошлаши керак, деган гап замирида олам маъно бор. Ҳаммамизда ҳадиксирашми, андишами ёки тўғридан-тўғри қурқувми, нимадир бор. Ишимиз шу зайлда кетса, наф бўлмайди, аксинча кўп нарса ҳақида гапиравермизда, амалга оширолмаймиз. Аввало, дилдаги гапни ўртага ташлаш, очиқ-ойдин гапириш керак. Партиямизнинг ошкоралик, демократия принципи худди шунга асосланади. Минг киши мингта таклифни айтса, бунинг нимаси ёмон, ахир. Шундан ишга фойдаси тегадигани танлаб олинади. Бу ўринда матбуот кучига таяниш керак, деб ўйлайман. Конференцияда кўтарилган энг муҳим масалалардан бири ҳам шу бўляпти асли. Очиғини айтиш керак, газета, журналларда кенг халқ оммасини ўйлашга, муҳокама, мулоҳаза юритишга ўргатадиган мақолалар жуда кам. Ваҳолонки, бугунги кун учун шундай мақолалар жуда зарур.

Қайта қуришнинг дастлабки босқичидаёқ кадрларни жой-жойига қўйиш, уларни тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор берилганди. Бироқ медицина соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш ҳануз муаммо бўляпти. Институтни битириб чиққанларнинг кўпи ўз мутахассислиги бўйича ишлолмайди. Нега? Чунки билими паст. Маълум бўлишича, институтга қабул қилиш учун эндиликда абитуриентларнинг меҳнат стажи бўлиши керак. Бироқ бу қоиданинг область, район, қишлоқ ёшлари учун қанчалик ноқулай эканини ким билади. Мен айтай: аввало, ҳамма қишлоқ жойларда медицина соҳаси бўйича ишлаш имконияти йўқ. Қолаверса, медицина олий ўқув юртига киришни жуда истаган қизлар бир-икки йил ишласа, улар қачон олий маълумотли бўлади, қачон оила қуриб, фарзандини боқади. Демак, областларга медик кадрлар етказиб бериш тўғрисидаги масала ўз-ўзидан мураккаблашади.

Бундан кўра, мактаб ўқув ишлаб-чиқариш комбинатлари ишини яхшиласак, ўнинчи синфни битирган ўқувчи қўлида (хоҳлаганининг албатта) ҳамширалик дипломи ҳам бўлса. Ахир бир пайтлар шундай қилган ҳам эдик-ку. Медицина соҳасига қизиқувчиларни шу йўсинда мактабдаёқ аниқлаб олиш мумкин бўларди.

Яна бир масалага алоҳида тўхталмоқчи эдим. Кундузги стационарлар ташкил қилиш жуда яхши иш бўлди, бу айниқса, қишлоқ аёлларига қўл келяпти. Бироқ амбулатория - поликлиникаларда профилактика ишлари олиб бориш мутлақо қониқарсиз аҳволда. Диспансеризация тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. Бунинг учун санитария-пропаганда ишларини кенг кўламда олиб бориш керак».

Конференциядан қайтгач, Абдумалик ўзида маънавий камолот ҳис этди. Олдинда катта вазифалар турарди. Ҳаётимизга, тақдиримизга дахлдор бу вазифаларни адо этиш учун катта куч-гайрат сарфлаш лозим.

У. ФАЙЗИЕВА,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

Бекобод райони.

• *Санъат коллективларида*

ЭЛГА МАНЗУР

Сурхондарё область Олтинсой районидаги «Ленинград» колхозининг «Оқарбулоқ» ансамблида турли касбдаги ёшлар иштирок этишади. Ҳаваскорлик коллективининг ўзига хос ижрочилиги, оригинал репертуари бор. Ансамблнинг муваффақиятли изланишларида профессионал коллективларнинг, санъат педагогларининг яқиндан кўрсатаётган кўмаги муҳим роль ўйнамоқда. Шу туфайли унинг кўпчилик концертлари элга манзур бўлаётир.

Суратда: М. Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясининг ўқитувчиси, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати, созанда Фазилат Шукурова «Оқарбулоқ» ансамбли қатнашчилари билан репетиция пайтида.

Г. ЕҚУБОВ фотоси.

• *Спорт*

ФУТБОЛ УЮШМАСИ БУЛАДИ

Мамлакатимиз спорт ҳаракатини қайта қуриш муаммолари, юқори классли спортчиларнинг статусини ўзгартириш ҳақидаги таклифлар кўпчиликни қизиқтирмоқда. Ниҳоят, СССР Физкультура ва спорт давлат комитети билан мамлакат футбол федерациясининг таклифига биноан, СССР футбол уюшмаси тузиладиган бўлди. У етакчи мутахассислар, судьялар, тренерлар ва спортчиларни ўзига бирлаштиради. Уюшма ўз фаолиятини спорт жамоатчилигининг фаол иштирокида, Физкультура ва спорт давлат комитети билан узвий алоқада олиб бориши керак.

Мамлакатда футболни ривожлантириш ва оммалаштириш, спортчилар маҳоратини ошириш, Бутуниттифоқ чемпионатларини ташкил этиш ҳамда ўтказишда иштирок этиш, халқаро мусобақаларда қатнашиш учун терма ва клуб командаларини шакллантиришга кўмаклашиш — футбол уюшмасининг бош вазифасидир.

СССР Физкультура ва спорт давлат комитети манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда футбол уюшмасининг таъсис конференциясини ўтказиш ва унга тайёргарлик кўришни таъминлаши лозим. Бошқа ўйин турлари федерацияларининг фаолияти ҳам қайта қурилади.

Мақсад — мамлакатда оммавий спорт тадбирларини, айниқса, футбол, хоккей ва спортнинг бошқа ўйин турларини ташкил этишни янада такомиллаштиришга эришишдан, бундай мусобақалар ўтказиш маданиятини оширишдан иборат. Токи, улар СССР халқлари дўстлигини мустаҳкамлаш ишига хизмат қилсин, спортчилар ва спорт мухлисларини интернационал руҳда тарбиялашга кўмаклашсин.

Редактор ўринбосари
Т. НАЖМИДДИНОВ.

• *Сўраган эдингиз*

МУАТТАР ИСЛИ, СЕРХИСЛАТ ГИЁҲ

Ҳурматли редакция, шифо бахш ўсимликлар мавзуси бизни жуда қизиқтиради. Лимон ўтнинг хоссаталари ҳақида маълумот берсангиз!

Латиф ҒАФУРОВ,
партия ва меҳнат ветерани. Тошкент шаҳри.

Доривор ўсимликлар орасида лимонўт ўзининг шифобахшлиги билан ажралиб туради. Табобат илмининг бобокалони Абу Али ибн Сино лимонўтни юрак ишини яхшилаш, иштаҳа уйғотувчи ҳамда овқат ҳазм бўлишини тезлаштирувчи омил сифатида тавсия этган. Лимонўт Шарқ халқлари табобатида тинчлантирувчи, камқонликда дармон бағишловчи, лаванглиқда шиҳоатлантирувчи восита ҳисобланади. Шунингдек, халқ медицинаси амалиётида у чангак ва тиришишга хотима берувчи, оғриқлардан форғ этувчи, ички латифлаштирувчи омил сифатида фойдаланилади.

Халқ табобатида лимонўт воситасида тайёрланадиган дорилар (дамлама, настойка, гиёҳ мойи) бош гангишига даво, фалажга енгиллик беради, ҳуш кетишида фикрлашни тиклайди. Ўсимлик асосида олинадиган мой юрак ҳаприқиши, бод, беланги, юрак санчиғида фойда келтиради. Шу билан бирга тер ҳайдаш хусусиятига ҳам эга.

Болгарлар лимонўтнинг ўзгача хосиятларидан атрофлича фойдаланадилар. Жумладан, лимонўт елланиш билан боғлиқ бўлган қорин санчиқларидан халос этади, кўнгил айниб қайд қилишни тўхтатади. Бедор уйқусизликка тиним бағишлаб, тери тошмаларига барҳам беришда асқотади. Лимонўт асосида тайёрланган қайнатма билан оғиз чайилса, милк ўйилишида ёрдам беради.

Доришунос олимларнинг маълумотларига қараганда, лимонўт асосида тайёрланадиган дори-дармонлар истеъмол этилганида, юрак хасталикларига малҳамлик қилади. Тахикардия хуружи, юрак атрофидаги санчиқлар йўқолади, қон босимининг пасайиши кузатилади. Лимонўтнинг шифобахшлилик хусусияти унинг таркибида мавжуд бўлган эфир мойлари ҳамда бошқа ҳаётбахш омиллар билан тушунтирилади. Чунончи, гиёҳ таркибида танин, витамин С, B_1, флавоноидлар, органик кислоталардан лимон, кахрабо кислотаси, минерал тузлар, шунингдек витамин А сақланади.

Айни жазирама иссиқ кунларда кўк чой билан омухталикда лимонўтли дамлама тайёрланиб ичилса, чанқоқ қолдириши билан бирга киши танасига баҳра беради. Уй шароитида ҳам дамлама тайёрлаш мумкин. Бунинг учун 10 грамм қуритилган ўтдан олиб устига 200 грамм қайноқ сув солиб, яхшилаб ўраб қўйилади. Дамлама туриш жараёнида совиғач, сузилиб, кунига 5—6 марта ош қошиқда истеъмол қилинади. Лимонўтли ваннаклар эса ўз йўли билан кишига ором бағишлайди.

Шуни қайд қилиб ўтиш керакки, лимонўт ўта беор гиёҳ бўлиб, уни ҳар қандай шароитда осонлик билан ўстириш мумкин. Лимонўтни экиб қўйсангиз, у тез орада яйраб, дуваракладб кўпайиб кетади. У ўзининг нилий, ямяшил кўринишн, бежирим гуллари, муаттар иси билан ҳовлингизга файз бағишлаши аниқ. Лимонўтнинг мурғак барглари айни баҳор палларларида тайёрланадиган кўкатли чучвара ҳамда сомсаларга шифоли маҳсулот бўлиб хизмат қилишини ҳам эслатиб ўтиш фойдадан холи эмас.

Д. ХУЖАЕВА,
доришунос.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР халқ таълими министрлиги
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
1988—1989 ўқув йили учун
Кундузги, кечки ва сиртқи тайёрлов бўлимларига

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ:

СИРТҚИ БЎЛИМГА: ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борладиган ихтисосликлар: география, педагогика ва бошланғич таълим методикаси, тарих, ўзбек тили ва адабиёти, педагогика ва психология;

КЕЧКИ БЎЛИМГА: ўқиш ўзбек тилида олиб борладиган ихтисосликлар: математика, физика, умумтехника фанлари ва меҳнат;

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА: ўқиш ўзбек тилида олиб борладиган ихтисосликлар: математика, умумтехника фанлари ва меҳнат, расм ва чизмачилик, тарих, педагогика ва бошланғич таълим методикаси.

Ўқиш рус тилида олиб борладиган ихтисосликлар: миллий мактабларда рус тили ва адабиёти.

Тайёрлов бўлимига ўрта маълумотга эга бўлган халқ хўжалиги барча тармоқларининг ишчилари, колхозчилар, ва СССР Қуролли Кучлари сафидан бўшатилган ёшлар қабул қилинади.

Кундузги тайёрлов бўлимига 34 ёшгача, сиртқи ва кечки тайёрлов бўлимларига эса ёши чекланмаган ҳолда тингловчилар қабул қилинади.

Тайёрлов бўлимига кириш учун тегишли иш жойидан, колхозлардан, ҳарбий қисм қўмондонлигидан махсус йўлланма бўлиши керак.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар тегишли корхоналарда камида 2 йиллик узлуксиз иш стажига эга бўлишлари керак (шогирдлик стажи тайёрлов бўлимига киришда ҳисобга олинмайди).

Тайёрлов бўлимига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилади: институт ректори номига ариза (махсус бланка тўлдирилади), иш жойидан тайёрлов бўлимига кириш учун махсус йўлланма (махсус бланка тўлдирилади), ўрта маълумоти ҳақидаги ҳужжат (асл нусхаси), иш жойидан корхона раҳбари, партия ва жамоат ташкилотлари томонидан тасдиқланган характеристика, меҳнат дафтарчасидан кўчирма, медицина справкаси (086/У форма), 6 дона фотосурат (бош кийимсиз, 3х4 см. ҳажмида):

Паспорт, ҳарбий билет ва комсомол билети ҳужжатларни топшириш пайтида шахсан кўрсатилади.

Тайёрлов бўлими тингловчилар сафига қабул қилиш учун кирувчилар билан асосий ихтисос предметлари бўйича суҳбатлар ўтказилади.

Сиртқи ва кечки бўлимларга ҳужжатлар 15 сентябргача қабул қилинади. Суҳбатлар ва тингловчилар сафига қабул қилиш 15 сентябрдан 1 октябргача ўтказилади.

Кечки бўлимда ўқиш 1 октябрдан бошланади. Сиртқи бўлимда белгиланган муддатларда сессиялар ўтказилади, сессиялар орасида эса тингловчилар контроль ишларини бажарадилар.

Кундузги тайёрлов бўлимига ҳужжатлар 1 октябрдан 10 ноябргача қабул қилинади.

Кирувчилар билан суҳбатлар 10—20 ноябрда ўтказилади.

Кундузги бўлимда 1 декабрдан ўқиш бошланади.

Кундузги бўлим тингловчиларига стипендия тўланади. Институт имкониятига кўра узоқдан келган тингловчилар ётоқхона билан таъминланадилар.

Тайёрлов бўлимини муваффақиятли тамомлаганлар институтнинг 1-курсига кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: 700064, Тошкент шаҳри, Педагогика кўчаси, 103-уй, тайёрлов бўлими.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги
МУЗИКА ТАЪЛИМИ РЕСПУБЛИКА ИНТЕРНАТИ

труба, кларнет, фагот, валторна, зарбли музика асбоблари, тенор, баритон, альт, туба, гобой ихтисосликлари бўйича

1988-1989 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Музика қобилиятига эга бўлган ўғил болалар интернатнинг ўзбек ва рус тилларида таълим олиб борладиган 5-синфларга қабул қилинади.

Ўқувчилар сафига қабул қилинганлар тўла давлат таъминотида бўлади.

Тўлиқ ўқув курсини тугатганлар ўрта маълумот ҳақида аттестат ва исталган олий ўқув юртига ўқишга кириш ҳуқуқини берувчи ўрта музика маълумоти ҳақида гувоҳнома оладилар.

Қабул имтиҳонлари — 1988 йил 20 августдан 25 августгача ўтади.

ҲАММА МАСАЛАЛАР ЮЗАСИДАН КОНСУЛЬТАЦИЯЛАР ЎТКАЗИЛМОҚДА.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар лозим бўлади: туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома (асли), табель, мактабдан характеристика, 2 дона фотосурат (3х4 см. ҳажмида), медицина картаси, оила аъзолари кўрсатилган ҳолда яшаш жойидан справка, маоши кўрсатилган ҳолда ота-онасининг иш жойидан справка, ҳужжатлар учун папка.

Ўқишга таъминоти яхши бўлмаган, кўп болали оналарнинг фарзандлари қабул қилинади.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри: Ҳамза райони, «Ғалабанинг 40 йиллиги» массиви, 2-квартал, 28-уй. Телефон: 97-96-40.

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги қошидаги ирригация ва совхозлар қурилиши бўйича Ўрта Осиё бош бошқармаси — «ГЛАВСРЕДАЗИРСОВХОЗСТРОЙ» 1988 йил 1 октябрдан

ТУГАТИЛАДИ

Даъволар эълоқ чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қуйидаги адресда қабул қилинади: 700128, Тошкент шаҳри, ЎзССР 50 йиллиги проспекти, 5-уй.

Театр

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 16/VIII да **«Парвона»** (Бош рол. ни Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Обид Юнусов ижро этади), 17/VIII да **«Алвидо ҳаёт»** (19.00).

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ
(«Советский Узбекистан»)
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР
Издается на узбекском языке



Редакция адреси: 700083, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

• *Тингланг, томоша қилинг*

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — «Гражданлик даъвоси». Бадиий фильм, 2-серия. 10.10 — Қувноқ стартлар. 10.50 — Янгиликлар. 11.00 — Термалар. 16.00 — Янгиликлар. 16.15 — Қайта қуриш прожекторн. 16.25 — Карелия телевидение студиясининг программаси. 17.25 — Болаларга ҳайвонлар ҳақида. 17.55 —Мультфильм. 18.15 — Халқаро фольклор фестивали. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.35 — Адабий-бадиий видеоканал. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Адабий-бадиий видеоканалнинг давоми. Танаффусда дунё воқеалари. 00.50 — Шахмат. СССР чемпионати.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Мультфильмлар. 9.50— Рақс композицияларини Дурга Лал группаси ижро этади. 10.30 — Илмий-оммабоп фильм.

16 АВГУСТ, СЕШАНБА

●

10.50 — Француз тили. 11.20— «Ёзда Катя билан». Бадиий фильм, 3-, 4-, 5-серия. 12.35 — Француз тили. 13.05 — «Аср пойгаси». Бадиий фильм. 14.35 — Ҳужжатли фильмлар. 15.10 — Янгиликлар. 15.20 — «Оловли йўллар». Бадиий фильм. 14-серия. 16.35 — Ўтган йилларнинг севимли тароналари. 18.35 — Янгиликлар. 18.45 — Музикали киоск. 19.15 — Ритмик гимнастика. 19.45 — Халқаро панорама. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — ...16 ёшгача ва ундан катталар. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Бир доктор яшаган экан». Бадиий фильм. 23.40 — Янгиликлар.

УзТВ-I. 15.30 — «Золушка». Спектакль. 17.00 — Ҳужжатли фильмлар. 18.10 — «Эҳ, ковбойлар!». Бадиий фильм. 19.15 — Тилга эътибор... 20.00 — Ахборот. 20.20 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — Ахборот. 20.45 — Здоровье. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Музикали учрашувлар. 23.45 — Бугун оламда нима гап?

УзТВ-II. 19.40—«Бахтли бўлишни истасанг». Бадиий фильм. 20.50 — «Абитуриент—88». Душанба. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Тақдир. 22.40 — «Қирол Стахнинг ёввойи ови». Бадиий фильм. 1-серия.

РАДИО

Биринчи программа. 8.30 — Қўшиғимиз сизга армуғон. 9.30 — Шерқўзиевлар оилавий ансамблининг концерти. 9.45 — Сизнинг бўш вақтингиз. 12.10 — Ишчинома. 12.30 — А. Твардовский. «Василий Тёркин нариги дунёда». Поэмадан парча. 12.50 — Қувноқ тароналар. 13.00 — Ўзбекистон чорвадори. 13.30 — Музика ансамбли чалади. 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшитириш. 15.30 — Гулдаста. 15.50 —Врач маслаҳати. 18.15 — Социализм мамлакатларида. 18.30 — Тинчлик ва дўстлик ҳақида қўшиқлар. 19.20 — Фонотекамиз хазинасидан. 19.50 — Халқаро кундалик. 21.00 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.45 — Музикали драмалардан ария ва дуэтлар. 23.00 — Оқшом тўлқинларида.

Р. — 14081. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. А. — 187. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12